



Хар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Хабар

40  
(785)-son

5-oktabr

www.xabar.uz  
xabar@uzpak.uz  
orif@infonet.uz

2007

О'ЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ 1992-йил мартдан чиқа бoshлаган

● Алоқа оламида: **ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК!** ●

Samsung компанияси бир йўла иккита SIM-картада ишловчи янги телефон апарти — D880 DuoS тақдимотини ўтказди.

Бу аппарат исталган SIM-картага келган кўнгиракни қабул қила олади. Қайси картага кўнгирак қилинган бўлса, унинг номи телефон экранида пайдо бўлади. Шунингдек, ҳар бир картага алоҳида мусиқа белгилаб қўйиш мумкин. Чиқувчи кўнгирак амалга ошириладиганда иккала карта рақамидан исталганини танласа бўлади.

Samsung D880 DuoS октябр ойининг ниҳоясида 700 доллар қийматида савдога чиқарилади.



**2007 ЙИЛ  
23 ДЕКАБР —  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ  
САЙЛОВИ КУНИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширадilar.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти етти йил муддатга сайланади.

\*\*\*  
Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, номзод кўрсатиш ҳуқуқи сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгадирлар.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

Сайлаш ҳуқуқи эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш учун камида уч юз нафар сайловчидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин.

(“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонундан)



## Қувончли кун шуқуҳи

БУГУНГИ ТАЛАБАЛАРГА, УМУМАН, ЮРТИМИЗНИНГ БАРЧА ЁШЛАРИГА КИШИНИНГ ҲАВАСИ КЕЛАДИ. ЧУНКИ ЎҚИЙМАН, БИРОР КАСБ-ХУНАР ЭГАСИ БЎЛАМАН, ДЕГАН ЁШЛАР УЧУН МАМЛАКАТИМИЗДА БАРЧА ИМКОНИАТ ҲАМДА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН ВА ЯРАТИЛМОҚДА.

Яқинда ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАКУЛТЕТИ УЧУН ЯНГИ ЎҚУВ БИНОСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ЎТКАЗИЛДИ. ЭРТА ТОНГДАН ҚАРНАЙ-СУРНАЙ САДОЛАРИ МЕХМОНЛАРНИ ТАНТАНАГА ЧОРЛАДИ. УНДА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ АЛОҚА ҚОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, АЙРИМ ХОРИЖИЙ КОМПАНИЯЛАР ВАКИЛЛАРИ, УНИВЕРСИТЕТ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИ ИШТИРОК ЭТИШДИ. ТАНТАНАДА ЮҚОРИ МАРТАБАЛИ МЕХМОН — ХАЛҚАРО ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ИТТИФОҚИ БОШ КОТИБИ ҲАМАДУН ТУРЕНИНГ ҚАТНАШИШИ МАРОСИМГА ЎЗГАЧА НУFUЗ БАҒИШЛАДИ.

2-БЕТ



UzNet

Internet Service Provider  
— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернет

## JUMADAN — JUMAGACHA

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда амалга оширилган ислохотлар жараёни билан танишиш мақсадида 27 сентябр куни Жиззах ва Сирдарё вилоятларида бўлди.**

✓ 2007 йил 26 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда 2008 йил учун макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси муҳокама қилинди.

✓ **Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрн қўриётган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги ва “2007 йилнинг 1 октябрдан муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маошлари миқдорларини ошириш тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Автомобил йўллари тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.**

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 сентябр куни Оқсаройда Халқаро телекоммуникация иттифоқи Бош котиби Ҳамадун Турени қабул қилди.

Сўхбат чоғида мамлакатимизнинг мазкур халқаро ташкилот билан алоқаларини янада кенгайтириш, халқаро ахборот хавфсизлиги муаммолари ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

✓ **Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда таълим тизимининг барча бўғинларида меҳнат қилаётган фаол, изланувчан ва ташаббускор педагоглар, мураббийлар, соҳада узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган устозлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

✓ Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидеда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан ЕХХТ лойиҳаларининг мамлакатимиздаги мувофиқлаштирувчиси офиси билан ҳамкорликда тайёрланган “Дунё ошбурманлари” ва “Ошбурманлари” тўпламларининг тақдими бўлиб ўтди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Ошбурман) С.Рашидова, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори Х.Кароматов ва бошқалар нашрнинг долзарблиги ҳамда ушбу мавзу бўйича янги китобларни тайёрлаш зарурлигини қайд этди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Тадбирни ТАТУ ректори С.Қосимов очди ва табрик учун сўзни университет Васийлик Кенгаши раиси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Ариповга берди. Соҳа раҳбари талаба ва ўқитувчиларни қўлаб, жумладан шундай деди:

— Бугун барчамиз учун қувончли кун. Янги ўқув биносининг очилиш маросими Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги ҳамда Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига улашиб кетиши бежиз эмас. АКТ ҳафталиги доирасида университетда тўртта халқаро анжуман бўлиб ўтди. Ушбу билим даргоҳида шунга ўхшаш нуфузли тадбирларни ўтказиш учун имкониятлар етарли. Қисқа муддатда қурилиб, фойдаланишга топширилган янги ўқув биносида ҳам билим олиш учун барча шароитлар муҳайё этилган. Бу, албатта, давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимизнинг ёшларга бўлган эътибори, ишончи, истиқлолимиз шарофати туфайлидир.

— Ассалому алайкум, — дея илиқ калом билан сўз бошлади Халқаро телекоммуникация иттифоқи Бош котиби Ҳамадун Туре. — Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакатидеда бежизга айтилмаган экан. Бу ерда таълимни ривожлантиришга катта аҳамият берилляпти. Айниқса, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси учун кадрлар тайёрлашга давлат аҳамиятига молик масала сифатида қаралаётгани қувонarliдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон алоқа соҳаси шиддат билан

лан тараққий топаётган мамлакат ҳисобланади.

Юқори мартабали меҳмон университет жамоасини табриклар, шундай тантанали тадбирларга гувоҳ бўлаётганидан беҳад хурсандлигини таъкидлади.

Ўз навбатида, сўзга чиққанлар — ТАТУ “Ахборот технологиялари” кафедраси катта ўқитувчиси Муқад-

далаба ва ўқитувчилар билан мулоқотда бўлишди.

Замон талабларига кўра ахборот технологиялари факултети 2003 йили ташкил қилинган эди. Факултет профессор-ўқитувчиларининг 70 фоизи фан номзодлари ва докторларидир. Бу ерда 9та йўналишда магистрлар тайёрланади. Уч қаватли янги бино-

## Қувончли кун шуккуҳи



дас Отажонов, магистр Артур Сувоновлар ҳам қурувчиларга, хомийларга, соҳа мутасаддиларига миннатдорчилик билдиришди.

Шундан сўнг расмий тасма қирқилиб, меҳмонлар янги бинони кўздан кечиришди. Улар

да энг замонавий компьютерлар билан жиҳозланган 11та ўқув хонаси мавжуд. Талабалар интернет тармоғига боғланиб, зарур маълумотлар олиш имконига эгадирлар. Шунингдек, факултетнинг барча кафедралари ҳам глобал тармоққа уланган.

...Кенг ва ёруғ ўқув хоналари. Замонавий мебел ва жиҳозлар. Лаҳзада интернет орқали хоҳлаган маълумотни олиш имконияти. Замонамиз ёшларига ҳаваси келади кишининг...

Абдугани АБДУРАҲМОВ

**Халқаро телекоммуникация иттифоқи Бош котиби Ҳамадун Туре мамлакатимизга ташрифи давомида АКТ ҳафталиги доирасида ўтказилган Саммитда иштирок этди ҳамда “Ўзбектелеком” АКНИн Инженер-техник ҳамда Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказларида бўлиб, уларда амалга оширилаётган ишлар билан танишди, мутахассислар билан дилдан суҳбатлашди.**

## ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР

ҲАР ЙИЛИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ЭНГ БИЛИМЛИ ТАЛАБАЛАРИГА ЎЗБЕКИСТОН РАДИОТЕХНИКА, ЭЛЕКТРОНИКА ВА АЛОҚА ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖАМИЯТИНИНГ СТИПЕНДИЯСИ ТОПШИРИБ ҚЕЛИНАДИ. ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖАМИЯТИ РАЭСАТИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИДА УНИВЕРСИТЕТНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ ЭНГ ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРИНОМИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

ТАНЛОВГА 15 НАФАР БИЛИМЛИ ВА ФАОЛ ЁШЛАРИНИНГ ИШЛАРИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ. МУҲОКАМА ДАВОМИДА НОМЗОДЛАРГА УНИВЕРСИТЕТ ИЖТИМОЙ ҲАЁТИДАГИ ФАОЛ ИШТИРОКИ, ФАНАРГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШИ, НОТИКЛИК МАҲОРАТИ, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ КАБИ МЕЗОНЛАР БЎЙИЧА БАҲО БЕРИЛДИ. ШУНДАЙ ҚИЛИБ, ҚУЙИДАГИ ЕТТИ НАФАР ТАЛАБА 2007-2008 ЎҚУВ ЙИЛИДА ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖАМИЯТИ СТИПЕНДИЯСИГА МУНОСИБ ДЕБ ТОПИЛДИ:



Мария СУВОРОВА, ТАТУ РРТ факултети 4-босқич талабаси.



Илҳом Алманов, ТАТУ Қарши филиали, АТ факултети 4-босқич талабаси.



Дилором Пардаева, ТАТУ АТ факултети 4-босқич талабаси.



Икром БОБОЖОНОВ, ТАТУ Урганч филиали, АТ факултети 4-босқич талабаси.



Шухрат ЮСУПОВ, ТАТУ Самарқанд филиали, АТ факултети 4-босқич талабаси.



Қаҳрамон НУРИДДИНОВ, ТАТУ РРТ факултети 4-босқич талабаси.



Анастасия ПУЗИЙ, ТАТУ РРТ факултети 4-босқич талабаси.

INTERNET-FESTIVAL


 .UZbekiston  
2007

## .UZ ДОМЕНИНИНГ ЭНГ ЯХШИ САЙТЛАРИ

АКТ Ҳафталигини яқунлаб берувчи тадбир – .UZ миллий домени интернет-фестивали голиб ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими 28 сентябр куни «Зарафшон» киноконцерт залида ўтказилди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Арипов, юқори мартабали меҳмон – Халқаро телекоммуникация иттифоқи Бош котиби Хамадун Турелар иштирок этиб, голиб ва совриндорларга мукофотларни топширишди. Танловда 944 иштирокчи ёки 617 сайт қатнашди. Айрим сайтлар бир неча номинациялар бўйича рўйхатдан ўтишди. Интернет-технологиялари соҳасининг етук мутахассисларидан тузилган ҳакамлар ҳайъати улар орасидан энг сараларини аниқлаб берди:

### 1. Фан ва таълим соҳасидаги энг яхши сайт.

1-ўрин: <http://ujc.uz>  
2-ўрин: <http://connect.uz>  
3-ўрин: <http://teacher.uz>

### 2. Интернет нашрлари бўйича энг яхши сайт.

1-ўрин: <http://uzreport.uz>  
2-ўрин: <http://afisha.uz>  
3-ўрин: <http://pc.uz>

### 3. Аънанавий ОАВ соҳасидаги энг яхши сайт.

1-ўрин: <http://uza.uz>  
2-ўрин: <http://mtrk.uz>  
3-ўрин: <http://review.uz>

### 4. Давлат бошқаруви органларининг энг яхши сайти.

1-ўрин: <http://aci.uz>  
2-ўрин: <http://gov.uz>  
3-ўрин: <http://minjust.uz>

### 5. Ёшлар учун мўлжалланган энг яхши сайт.

1-ўрин: <http://gamer.uz>  
2-ўрин: <http://afisha.uz>  
3-ўрин: <http://love.uz>



### 6. Маданият ва санъат соҳасидаги энг яхши сайт.

1-ўрин: <http://maxpenson.uz>  
2-ўрин: <http://uzthp.erava.uz>  
3-ўрин: <http://rassom.uz>

### 7. Жисмоний тарбия, спорт, туризм, дам олиш ва саёҳат соҳасидаги энг яхши сайт.

1-ўрин: <http://start.uz>  
2-ўрин: <http://uff.uz>  
3-ўрин: <http://ahalteke-sher.uz>

### 8. Тиббийёт ва соғлиқни сақлаш бўйича энг яхши сайт.

1-ўрин: <http://edoctor.uz>  
2-ўрин: <http://apteka.uz>  
3-ўрин: <http://medicalexpress.uz>

### 9. Тармоқ сервислари соҳасидаги энг яхши сайт.

1-ўрин: <http://torg.uz>  
2-ўрин: <http://doda.uz>  
3-ўрин: <http://mymap.uz>

### 10. Энг яхши корпоратив сайт.

1-ўрин: <http://beeline.uz>  
2-ўрин: <http://nss.uz>  
3-ўрин: <http://mts.uz>

### 11. Электрон савдо бўйича энг яхши сайт.

1-ўрин: <http://yarmarka.uz>  
2-ўрин: <http://korzinka.uz>  
3-ўрин: <http://paynet.uz>

### 12. Минтақавий-ўлкашунослик бўйича энг яхши сайт.

1-ўрин: <http://mytashkent.uz>  
2-ўрин: <http://samarkandinfo.uz>  
3-ўрин: <http://kr.uz>

### 13. Энг яхши шахсий саҳифа.

1-ўрин: <http://barbanis.uz>  
2-ўрин: <http://katie.uz>  
3-ўрин: <http://balamut.uz>

### 14. Давлат тилидаги энг яхши сайт.

1-ўрин: <http://ayol.uz>  
2-ўрин: <http://doda.uz>  
3-ўрин: <http://iguzar.uz>

### 15. Ўзнетнинг энг яхши блоггери.

1-ўрин: <http://skazka.uz>  
2-ўрин: <http://blog.afisha.uz>  
3-ўрин: <http://blog.shavkatov.com>

### 16. Йил кашфиёти.

1-ўрин: <http://skazka.uz>  
2-ўрин: <http://mymap.uz>  
3-ўрин: <http://uforum.uz>

### 17. Энг яхши мактаб сайти.

1-ўрин: <http://karshi12.connect.uz>  
2-ўрин: <http://18maktab.edunet.uz>  
3-ўрин: <http://qahhor.edunet.uz>

Барча голиб ва совриндорларни муборакбод этамиз!

9-ОКТАБР – БУТУНҲАҲОН РОСНТА КУНИ

## ПОЧТА ХИЗМАТИ НУКСАЛАВЕРАДИ

Ташвишли дунёда ҳамيشа шошиб яшаймиз. Кундалик воқеа-ҳодисаларга бўлган қизиқиш ва эътибор кун сайин ошиб бораётир. Бир-биримиздан кўнгул сўраш учун давримизнинг ютуғи ҳисобланган мобил телефонлар, интернет тармоғи ва ҳоказолардан фойдаланамиз. Лекин сайб-рамиз узра содир бўлаётган воқеалар билан яқиндан танишишимизда даврий нашрларнинг ҳам ўз ўрни бор. Даврий нашрларни, хатлар ва жўнатмаларни ўз эгаларига етказишда эса почта хизмати муҳим аҳамият касб этади.

9 октябр — Бутунжаҳон почта куни 1957 йилдан буён расман нишонланиб келинаётган бўлса-да, юқориди айтиб ўтганимиздек, почта алоқаси хизмати ташкил этилганлиги узоқ асрларга бориб тақалади. Чунки узоқ-узоқ манзилларда яшаётган кишилар бир-бирлари билан почта алоқаси орқали боғланадилар. Кимдир хизматда бўлган фарзандига мактуб, кимдир олисда яшаётган кишисига зарур нарсаларни жўнатади, яна кимдир яқин кишисидан шу нарсаларни қабул қилади.

Ортимизнинг жанубий сарҳадида фаолият олиб бораётган «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Қашқадарё филиали ўзига хос тарихга эга.

1924-1941 йиллари вилоятдаги ягона алоқа корхонаси Бехбудий почта идораси номи билан, 1943-1956 йиллари Қашқадарё ижроия қўмитаси «Алоқа идораси», 1957-1960 йиллари Қашқадарё вилояти ижроия қўмитаси «Алоқа бошқармаси», 1961-1964 йиллари Қарши алоқа идораси

(вилоят Сурхондарё вилояти таркибида эди), 1964-1968 йиллари Ўзбекистон Алоқа вазирлиги Қашқадарё ишлаб чиқариш техника алоқа бошқармаси, сўнгра Қашқадарё электр алоқа ишлаб чиқариш давлат корхонаси, 1992 йилнинг апрел ойидан почта соҳаси ажралиб чиқиб, «Қашқадарё давлат почта ишлаб чиқариш ва матбуот тарқатувчи» корхонаси деб номлана бошланди.

Бехбудий почта идораси 1924-1930 йиллари ҳозирги Одина масжидида жойлашган эди. 1931 йили эса янги қурилган бинога, ҳозирги 17-алоқа бўлими биносига кўчиб ўтди.

**Мустақиллик йилларида Асакадаги машинасозлик заводидида ишлаб чиқарилган автомобиллар почта жўнатмаларини ўз манзилларига тез ва соз етказиб беришда хизмат қилмоқда. Почта алоқаси тармоқлари мослаштирилган биналарда жойлашган.**



Вилоятнинг Чироқчи туманида алоқа хизмати 1930 йилда «Почта қутиси» сифатида асос солинган бўлиб, отарава билан хизмат кўрсатилган. 1948 йилдан бошлаб туман алоқа боғламаси (узёл) таркибида тўртта алоқа бўлими фаолият олиб борган бўлса, Яккабоғ туманида почта хизмати 1950 йили ташкил қилинган. Почта жўнатмалари «Полутирка» русумли автомашинида ташкилланган. Туманининг Яккабоғ шаҳарчасида учта от-арава почта жўнатмалари ташиш учун шай турган. Қамашиди эса алоқа соҳасига 1939 йилда қўл урилган. Бу ерда ҳам асосан от-арава билан хизмат кўрсатилган...

Мустақиллик йилларида Асакадаги машинасозлик заводидида ишлаб чиқарилган автомобиллар почта жўнат-

маларини ўз манзилларига тез ва соз етказиб беришда хизмат қилмоқда. Почта алоқаси тармоқлари мослаштирилган биналарда жойлашган.

1964 йилнинг феврал ойида Қарши чўлини ўзлаштириш муносабати билан Қашқадарё яна вилоят мақомини олди. Энди олданда Қашқадарё вилоятида электр ва почта алоқаларини зудлик билан ривожлантириш муаммоси турар эди ва бу масалани ечиш мақсадида 1964 йил 2 февралда «Қашқадарё вилоят алоқа бошқармаси» ташкил топди. Шу билан алоқа, вилоят маркази Қарши шаҳри билан туманлар марказлари, туманлар марказлари билан колхоз-совхозлар ўртасида алоқа линия ва ускуналарини ишлатиш ва алоқани ривожлантириш мақсадида икки ташкилот - Қарши ва Шаҳрисабз ЭТУСлари ташкил қилинди. 1981 йили республикада биринчи бўлиб Қарши шаҳрида АТ-ПС-ПД 128/152 телеграф станцияси ишга туширилди. 1980 йилга келиб вилоятнинг шаҳар ва қишлоқлари аҳолисига 361та почта бўлими хизмат кўрсата бошлади.

Бугунги кунда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Қашқадарё филиали тизимида 13та почта алоқаси тармоғи ҳамда Қарши почта ишлаб чиқариш участкаси, 285та алоқа бўлими мавжуд бўлиб, уларда минг нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар самарали меҳнат қилиб келмоқда. Жамиятнинг асосий мақсади почта хизматлари бозориздаги талабларни қондириш, рақобатбардошлигини ошириш, тизимни модернизация ва техник қайта жиҳозлаш ҳамда дунёнинг илғор технологияларини қўллаш баробарида хизмат кўрсатиш турларини қўлайитириш ва замонавийлаштиришдан иборатдир.

**Афтондил ИСМОИЛОВ,**  
«Хабар»нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

## XALQARO HAYOT

ХОЗИРЧА МИНТАҚАЛАР  
ПАРТИЯСИ ОЛДИНДА

Украинада муддатидан илгари парламент сайловлари бўлиб ўтди. Парламентнинг 450та ўрни учун 20та сиёсий партия ва блокдан 4857 нафар номзод кураш олиб борди.

Марказий сайлов комиссиясининг маълум қилишича, ҳозиргача сайлов бюллетенларининг 96,77 фоизи санаб бўлинган. Унга кўра, Минтақалар партиясини 34,19 фоиз, Юлия Тимошенко блокни 30,80 фоиз, "Бизнинг Украина" партиясини эса 14,27 фоиз сайловчи қўллаб-қувватлаган. Компартия — 5,37, Владимир Литвин блоки — 3,98 ва Социалистлар — 2,94 фоиз овоз олган.

Сайловнинг расмий натижалари 15 октябрда эълон қилинади.

БМТ КЕНГАШИДА  
МЯНМА МАСАЛАСИ

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши Мянмадаги вазиятни муҳокама қилиш учун фақуллода йиғилиш ўтказмоқда.

"ИТАР-ТАСС"нинг хабар беришича, сессия кенгашининг 17 аъзоси талаби билан ташкил этилган. Европа Иттифоқи кенгашига ўз резолюцияси лойиҳасини тақдим этди. Унда Мянмада оммавий равишда инсон ҳуқуқларини поймол қилган шахслар суд қилиниши лозимлиги айтилган. БМТнинг махсус маърузачиси Пауло Сержио Пинеиро Мянмадаги вазиятни яхшилашда Хитой, Хиндистон, Россия мамлакатлари ва АСЕАН ташкилоти катта рол ўйнашини билдирди.

ИНДОНЕЗИЯДА  
ЯНА ЗИЛЗИЛА

Индонезиянинг Суматра оролида Рихтер шкаласи бўйича 6,4 балли zilzila қайд этилди.

Дастлаб мамлакат ҳукумати табиий офат туғайдики цунами келиб чиқишидан аҳолини огоҳлантирди, бироқ бир соат ўтмай, огоҳлантириш бекор қилинди. Курбон бўлганлар ва вайронгарчиликлар ҳақида ҳозирча бирорта маълумот йўқ.

ПОЛШАГА  
КУЗАТУВЧИЛАР КЕЛАДИ

Шу йилнинг 21 октябр кuni Полшада навбатдан ташқари парламент сайлови ўтказилади.

Сайловда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти вакиллари кузатувчи сифатида иштирок этади. Полша ташқи ишлар вазири Анна Фотига ва ЕХТнинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси раҳбари Кристиан Штрохал ўртасидаги музокаралардан сўнг шундай қарорга келинди. Сал аввалроқ Полша сайловда кузатувчилар иштирок этишига бутунлай қарши чиққан ва бу қарор Европа давлатларида норозилик уйғотган эди.

ТРИБУНАЛ УЧУН БЕШ  
МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Расмий Вашингтон Ливан бўйича халқаро трибунал ташкил этиш учун беш миллион доллар ажратди.

Бу ҳақда АКШнинг БМТдаги доимий вакили Залмай Халилзад баёнот берди. Трибунал мамлакат собиқ бош вазири Рафиқ Харирий ва бошқа сиёсий арбобларнинг йўқ қилинишида иштирок этган жиноятчиларни суд қилиш билан шуғулланади.

Рафиқ Харирийнинг ўлими сабабларини текшириш учун белгиялик прокурор Серж Браммерц раҳбарлигида БМТ комиссияси ҳам тузилган.

## "ГАЗПРОМ" ТАЛАБИ

"Газпром" Украинадан шу йил октябр ойи ичида қарзини узишни талаб қилди. Акс ҳолда, газ етказиб бериш бир неча бараварга қисқариши мумкин.



Россия газ концерни Украинага газ етказиб бериш қисқариши ҳақида европалик ҳамкорларини ҳам огоҳлантирди. Режа бўйича жорий йилда "Газпром" кўшни мамлакатга 55 миллиард кубометр газ етказиб бериши керак.

Ҳозирда Украина "Газпром"дан 1,3 миллиард доллар қарз.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

Замонамизда алоқа хизмати яшин тезлигида ривожланыпти. Узоққа бормайлик, тўқсонинчи йилнинг бошларида ҳам алоқа хизматидан фақат вилоят, туман, шаҳар марказлари аҳолиси фойдаланар эди. Қишлоқдагилар эса бир-бировига хабар етказиш учун соатлаб йўл босишга мажбур эдилар.

"Алло, Кореяями?  
Мирзачўлдан гапиряпман"

ишлашга кетувди. У билан хабарлаша олмай ҳалак эдик. Яқинда уйимга телефон ўрнатилди. Гушакни шундай кўтариб рақам терсам, ўғлим жавоб берапти, Кореядалигига ҳам ишонгим келмайди, чунки овози худди нариги хонадан эшитилаётган эди. Муस्ताқилликдан айланай, чекка қишлоқда яшасак ҳам шундай қулайликлар яратилмапти. Дунёнинг ис-талган бурчаги билан гаплашиш мумкинлигининг ўзи катта гап-да!

Мобил телефонларнинг кириб келиши ҳам анча қулайлик туғдиргани рост. Бироқ уяли алоқа хизматидан фойдаланишни ҳаммининг ҳам чўнтаги кўтаравермайди. Шу сабаб қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда алоқа тизимини такомиллаштириш муҳим ўрин тутди.

Мирзачўл тумани телекоммуникациялар боғламасида бўлганимизда раҳбар хузуридан кўтаринки кайфиятда чиқаётган отахонга рўпара келдик.

— Кизим, алоқа тизими ҳақида ёзаман деб тўғри қилибсан. Мен алоқачиларнинг ишидан жуда мамнун бўлиб Сафаржонга (боғлама раҳбари Сафар Дўстчоновни назарда тутаяпти) миннатдорчилик билдиришга келувдим, — дейди ўзини Обиджон Мамадалиев деб таништирган отахон. — Кенжатоим вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси орқали Кореяга

Етти рақамли тизимнинг афзалликлари ҳам бисёр. Унда мижоз учун гаплашиш вақти чегараланмаган. Шаҳарлараро, халқаро хизматлар йўлга қўйилган. Телефонларда рақам аниқлагич ишлайди.

лоғига ана шундай алоқа тизими ўрнатиш ишлари давом этапти. Энг қувонарлиси, алоқа бўлимларига Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган, "Коинот" очик акциядорлик жамиятининг махсулоти — "Коинот Эл-СГМ" замонавий коммутация ускуналари ўрнатилди. Ушбу мосламалар жуда ихчам ва қулайлиги билан ажралиб туради. Етти рақамли тизимнинг афзалликлари ҳам бисёр. Унда мижоз учун гаплашиш вақти чегараланмаган. Шаҳарлараро, халқаро хизматлар йўлга қўйилган. Телефонларда рақам аниқлагич ишлайди.

Катта электромеханикнинг фикридан кўриниб турибдики, энди Мирзачўлнинг чекка қишлоғида яшаётган аҳоли ортиқча оворагарчиликларсиз бошқа шаҳарда, олис юртда ўқитган ёки ишлаётган яқинлари билан бемалол боғлана оладилар. Бу эса қишлоқ билан шаҳар тафовутининг янада қисқараётганидан далолатдир.

Дилфуза АБДУЛЛАЕВА  
Сирдарё вилояти

## Бирлашиб ўзишди

Рақамли телефон станцияси дастгоҳлари учун жой тайёрлаб қўйилган бўлса-да, оптик-толали алоқа кабелини тортиш ишлари ҳадеганда бошланавермади. Шундай тигиз паллада боғлама бошлиғи Ўктам Холмуродов жамоага таклиф билан мурожаат этди.

— Халқимизда "Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар", деган гап бор. Шу нақлга амал қилиб, хандақ қазиб ва кабел ётқизишни зиммамизга олсак, нима дейсизлар?

Орага бир зумлик сукут чўкди. Раҳбар "Ходимларимни ранжитиб қўйдимми", деб истихоло қилган эди ҳамки, Рустам ака Қодиров ташаббусни қўлга олди.

— Сизу биз Алпомиш авлодларимиз, — деди у жиддий оҳангда. — Бунёдкор замондошларимиз Бойсўнғор қояларини парчалаб, темир йўл ўтказаятганда, хандақ қазиб қўлимиздан келмайдимми? — Келинлар, биргалишиб ҳашарга чикайлик!

Шу чоғ Абдусоат Оқбоев даст ўрнидан турди. Сўнгра ҳамкасбларига қараб: — Боғдон бобомиз тўғри айтаяпти. Билагимизда куч балқиб, юрагимизда ўт ёниб турган экан, долзарб ишга бефарқ бўлмайлик.

Уларни Чори Тойлоқов, Абдумалик Саидов, Баҳром Холтуревлар ҳам қўллаб-қувватлашди. Боғлама бошлиғи Ўктам Холмуродов эса ҳашарчиларга етарли шарт-шароит яратишга қаролат берди. Ташаббус туғилган куннинг эртасига хандақ қазиб зарур бўлган иш қуроллари забардаст йигитларга тақсимланди. Сарикқўрғондан унча уюқ бўлмаган манзилда меҳнат баҳсини бошлашди. Мен (қаттиқ) ерни қовлаш осон бўлмади. Устига устак, саратон жазирамаси синов тигини қайраб турарди. Ёзги кийим-бошлар жиққа ҳўл бўлиб қоларди. Аммо аҳил жамоа

иродаси бундай ҳолатлар олдида букилмади. Улар қазилган хандақ ҳамда оптик-толали алоқа кабели ётқирилган жой масофасини тобора қўзиб бораверишди.

Туман марказидан узоқ қишлоқларда хизмат қиладиган алоқа ходимлари учун боғлама ховлисида мавсумий ётоқхона ташкил этилди. Уч маҳал иссиқ оеват ва маданий дам олишни йўлга қўйишга раҳбарнинг ўзи бош-қош бўлди. Улар чиндан ҳам бирлашиб ўзишди, 23 иш кунида 4 минг 250 метр жойга оптик-толали алоқа кабелини ётқириш ишлари ниҳоясига етди.

Тез орада Қизирик телекоммуникациялар боғламаси ҳам янги замонавий рақамли телефон станциясига эга бўлади. Энди бор гап — Хитойдан келтирилган алоқа дастгоҳларини ўрнатишда қолган.


Боғлама биносининг ташқи ва ички қиёфаси ҳам замонавий шакл олди. Маънавият ва маърифат хонаси ходимларининг тафаккурини бойитишга хизмат қилмоқда. Холнисахон Аҳатова шу шаҳобчага масъул қилиб қўйилган. Бундан ташқари, жамоа аъзолари ишдан бўш вақтларида стол тенниси, шахмат-шашка билан шуғулланиш имконига эга. Бундай қулайликлар ҳамкасбларнинг бир мақсад сари янада жипслашишида катта аҳамият касб этмоқда.

Нортожи ЗИЁЕВ,  
"Хабар"нинг Сурхондарё  
вилоятидаги муҳбири

ISLOHOT VA SAMARA



“ЎЗИ Самарқанд” филиалида телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва қайта қуриш борасида жиддий ишлар амалга оширилмоқда. Эски турдаги аналог АТСларнинг янгиланиши телефон алоқасини сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтарди, бу эса абонентлар учун катта қулайликлар яратяпти.



# Мақсад — алоқа сифатини яхшилаш

2006 йилда филиал бўйича 20600 рақамга эга бўлган етти аналог турдаги АТС Хитой Халқ Республикасининг “Эскимбанк” имтиёзли кредити асосида “Huawei S&CO8” турдаги электрон рақамли АТСга алмаштирилди. Самарқанд шаҳридаги 31-мактаб ҳудудида 1440 сифимга эга бўлган янги АТС қурилиб, ишга туширилди.

Ўтган йилнинг ўзиде янги телефон станцияларига ўрнатилган қўшимча портлар билан электрон рақамли АТСлар сифими 22096 тага етказилди. 2006 йил якунида филиал бўйича электрон ва аналог станциялар умумий монтаж сифими 67390 тани, шу жумладан, ишлатилгани 66648 тани ташкил этди.

Мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 25 июлдаги “Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори соҳа ҳодимлари олдида катта вазифалар кўйган эди. Шу боис, қарор талаблари даражасида шаҳарда кенг миқёсда ишлар олиб борилди. Телефон станцияларининг 11220 портини реконструкция қилиш чет эл инвесторларидан Хитой Халқ Республикасининг “HUAWEI HONET” компанияси билан тузилган шартнома асосида амалга оширилди.

Хишрав, Фарход, Геология қўрғонларидаги ва шаҳар марказидаги 34-АТС аналог турдан электрон рақамли станцияларга алмаштирилди. Сартепа маскани, Мотрид қўрғони, Темирйўл вокзаллари,

С.Айний кўчасида қўшимча алоҳида ташқи станциялар ўрнатилди. Почта, Али Кушчи, Шохрух Мирзо кўчаларида интернет шаҳобчалари очилди.

Станциялараро 16 километр оптик-толали линияларнинг қурилиши, 6 минг рақамли абонент линияларининг янги станцияга қайта уланилиши шаҳарда телефон алоқасини янада яхшилашга хизмат қилди.

Филиалда 15 турдаги қўшимча хизмат турлари мавжуд. Ўтган йили улардан олинган даромад биринчи ярим йилликда 23585 минг сўм, йил якунида 67564204 минг сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида хизмат турларияна биттага кўпайтирилиб, умумий даромад 50248749 сўмни ташкил этди.

“Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига асосан, телекоммуникация воситаларини қуриқлаш Самарқанд шаҳар ИИБ билан ҳамкорликда йўлга қўйилган. Ҳамкорлик туфайли ўтган йили содир этилган қабел ўғирликларидан иккитаси очилиб, суд орқали айбдорлардан 1535000 сўм жарима ундирилди.

Телекоммуникация соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам қувончлидир. Айни пайтда филиал қошида учта провайдер — шаҳар ичида, шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашуви ҳамда интернет хизматлари фаолият кўрсатмоқда.

Электр таъминотидаги режали ва режасиз узлишлар телекоммуникациялар боғламаларида каттагина муаммоларни келтириб чиқарди. Айни пайтда шундай муаммоларни бартараф этиш мақсадида 31/33- АТС биносиде “МТС” қўшма корхонаси билан ҳамкорликда “TEKSAN” русумли 220 КВли дизел генератор ўрнатилди.

Хуллас, филиалда бир-биридан муҳим ва энг зарур ишлар амалга оширилляптики, буларнинг барчаси Самарқанддек кутлуг шаҳарда телефон алоқасининг сифат жиҳатдан ҳар томонлама яхшиланишига хизмат қилляпти.

**Абдуғафур ҲОТАМОВ,**  
“Хабар”нинг Самарқанд вилоятидаги муҳбири

## ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқурув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низоми”нинг 23-бандига асосан, қуйидаги лицензиялар 2007 йил 3 октябрдан бекор қилинди:

«KUNINUR-NET» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001992 рақамли;

«HVS» хусусий фирмасининг (Тошкент ш.) маълумотлар узатиш тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001947 рақамли.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқурув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низоми”нинг 49-бандига асосан қуйидаги лицензияларнинг амал қилиши 2007 йил 3 октябрдан тўхтатилди:

«RADIO TELECOM» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ юзма радиотелефон (трафик) алоқа тармоқларини дейибораши, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001518 рақамли;

“TEBO-STV” хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ теледустлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001023 рақамли.

## DOLZARB MAVZU

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 17 сентябрдаги “Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни қучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони эълон қилинган, тахририятимизга соҳада узоқ йиллар ишлаб, пенсияга чиққан фахрийларимиз кўнгилроқ қилишиб, пенсиялари қанча миқдорда ошиши мумкинлиги ҳақида маълумот беришимизни сўрашди. Биз саволларга жавоб олиш мақсадида Тошкент вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шохида МИРЗАКАРИМОВАга мурожаат қилдик.

— Аввало шуни айтиш керакки, республикамизда пенсионерларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда, — деди Ш.Мирзақаримова. — Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони асосан пенсионерларнинг меҳнат стажларини ҳисобга олишдаги чегара олиб ташланган бўлса, Президентимизнинг юқоридаги Фармони асосида 2007 йил 1 октябрдан пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдори энг кам иш ҳақи миқдорининг етти қаррасидан саккиз қаррасигача миқдорга оширилади. Яъни, фармон чиққунга қадар пенсионернинг пенсиясини ҳисоблашда ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг етти баравари чегара қилиб белгиланган эди. Эндиликда ана шу чегара яна бир миқдорга оширилди.

Шу муносабат билан мазкур Фармонга мувофиқ шу

# Пенсиялар қанчага ошди?

бугунга қадар пенсия миқдорларини аниқлашда инobatта олинган ўртача бир ойлик иш ҳақи энг кам иш ҳақининг етти қаррасидан юқори бўлган пенсияларгина қайта ҳисобланади. Бундай пенсиялар миқдорининг ошиши ўртача ойлик иш ҳақининг етти қарра энг кам ойлик иш ҳақидан ортик бўлган қисмига боғлиқ бўлади.

— Фирингизга мисоллар орқали аниқлик киритсангиз.

— Албатта. Биринчи мисол, 2007 йил 1 августдан (мисоллар ихтиёрий турдаги пенсия учун ўринли) ҳисоблаб чиқарилган ўртача бир ойлик иш ҳақи 97800 сўмни ташкил этади. Мазкур ўртача иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақининг етти қарраси — 108675 сўмдан кам бўлганлиги сабабли бу пенсия иши қайта ҳисобланмайди.

Иккинчи мисол, фуқаронинг ҳақиқий (ҳисоблаб чиқарилган) ўртача бир ойлик иш ҳақи 116437,50 сўмни, иш стаж 45 йилни, ортикча иш стаж 20 йилни ташкил этиб, пенсиянинг ҳисоб-китоб қилиш учун бу иш ҳақи 108675 сўм билан чегараланиб инobatта олинган 81506 сўм 25 тийин (108675x55% таянч миқдор+108675x20% стаж учун ошириш) миқдорида пенсия тайинланган.

Ҳақиқий ўртача ойлик иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақининг етти қаррасидан ортик. Бу пенсия қуйидагича қайта ҳисобланади:

- ўртача ойлик иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз қаррасига (124200 сўм) етмаганлиги сабабли пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун ҳақиқий ўртача ойлик иш ҳақи инobatта олинади;
- инobatта олинган янги ўртача бир ойлик иш ҳақидан пенсиянинг таянч миқдори (124200x55%=68310) ва стаж учун бериладиган олиштириш (124200x7%=8694) ҳисоблаб чиқарилади;

- 2007 йил 1 октябрдан пенсиянинг умумий миқдори 77004 сўм (68310+8694) белгиланиши лозим.
- Шуни айтиш керакки, юқоридаги Фармонга асосан, вилоятимиздаги 285124 нафар пенсия ва нафақа олувчилардан 96600 нафарининг пенсиялари қайта ҳисобланиб, улар пенсиясини ҳисоб-китоб қилиш учун инobatта олиннадиган ўртача ойлик иш ҳақининг чегараси энг кам иш ҳақининг саккиз қаррасига етказилди ва бу борадаги фарқ 877761673,28 сўмни ташкил этмоқда.

Учинчи мисол, фуқаронинг ҳақиқий (ҳисоблаб чиқарилган) ўртача бир ойлик иш ҳақи 138750 сўмни,

жами иш стаж 32 йил, ортикча иш стаж 7 йилни ташкил этиб, пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун бу иш ҳақи 108675 сўм билан чегараланиб инobatта олинган ва 6378 сўм 50 тийин (108675x55% таянч миқдор+108675x7% стаж учун ошириш) миқдориде пенсия тайинланган. Ҳақиқий ўртача ойлик иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақининг етти қаррасидан ортик. Бу пенсия қуйидагича қайта ҳисобланади:

- ўртача ойлик иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз қаррасидан (124200 сўм) юқори бўлганлиги учун пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз қарраси инobatта олинади;
- ҳисобга олинган янги ўртача бир ойлик иш ҳақидан пенсиянинг таянч миқдори (124200x55%=68310) ва стаж учун бериладиган олиштириш (124200x7%=8694) ҳисоблаб чиқарилади;

- 2007 йил 1 октябрдан пенсиянинг умумий миқдори 77004 сўм (68310+8694) белгиланиши лозим.
- Шуни айтиш керакки, юқоридаги Фармонга асосан, вилоятимиздаги 285124 нафар пенсия ва нафақа олувчилардан 96600 нафарининг пенсиялари қайта ҳисобланиб, улар пенсиясини ҳисоб-китоб қилиш учун инobatта олиннадиган ўртача ойлик иш ҳақининг чегараси энг кам иш ҳақининг саккиз қаррасига етказилди ва бу борадаги фарқ 877761673,28 сўмни ташкил этмоқда.

**Муборак МИРКАМолова**  
сўхбатлашди

## ● 9 ОКТЯБРЯ — ВСЕМИРНЫЙ ДЕНЬ ПОЧТЫ

Ежегодно, 9 октября, Всемирный день почты привлекает внимание населения всего мира к социальному и экономическому значению службы общественного назначения, которая существует вот уже две тысячи лет.



## УНИВЕРСАЛЬНАЯ УСЛУГА И ЕЕ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПРЕИМУЩЕСТВА

Послание Генерального директора Всемирного почтового союза

Государственная служба, поддерживаемая всемирной сетью, включающая более 660000 почтовых учреждений и 5 млн. служащих, неустанно расширяется и улучшается. Почтовые службы всего мира обрабатывают и доставляют ежегодно 436 млрд. отправлений письменной корреспонденции, включая национальные и международные услуги, и 6 млрд. посылок. И это не считая миллионов денежных переводов, которые осуществляются через почтово-финансовую сеть, предоставляющую повсюду возможность миллионам людей простой доступ к финансовым услугам, в частности в местах, где отсутствует банковское обслуживание населения.

Нет необходимости напоминать еще раз о значении универсальной услуги, одной из главных миссий ВПС. Предоставление качественных почтовых услуг по доступным ценам на всех территориях предполагает немало преимуществ, о которых мы часто даже

не подозреваем. Гарантированная только в крупных городских центрах доставка почты, также как и доступ к почтово-финансовым услугам, таила бы опасность оставить в стороне миллионы физических лиц и предприятий, не давая им возможности участвовать в экономической жизни своих стран.

В этот Всемирный день почты 2007г., в то время, когда политические обстоятельства вынуждают много писать об универсальной почтовой услуге, я хотел бы обратить внимание на ее целесообразность с экономической точки зрения.

Учитывая ее положительные результаты, обеспечение стабильной и устойчивой универсальной почтовой услуги становится неоспоримым. Разумеется, это предполагает затраты. Но универсальная услуга способствует, и не стоит об этом забывать, экономической эффективности страны и всего мира в тот момент, когда новые

технологии и Интернет позволяют почтовым операторам повышать качество существующих услуг и предлагать новые. Кроме того, универсальная услуга адаптируется к возможностям, которые предлагают эти новые технологии.

Недавний банальный пример продемонстрировал всему миру сущность универсальной услуги в эпоху Интернета: доставка по всему миру энциклопедии Гарри Поттера. В июле этого года многие почтовые службы обеспечили доставку более 2.5 млн. экземпляров этой только что вышедшей книги - все они заказывались через интернет. Речь шла действительно, о самой крупной почтовой доставке в тот же день одного единственного предмета, заказанного по Интернету. Разве могла бы стать возможной такая операция без повсеместного предоставления универсальной почтовой услуги?

В международных отношениях

обеспечение универсальной почтовой услуги для всех предприятий и граждан также содействует интеграции рынков. Она предоставляет предприятиям и частным лицам простой доступ к другим национальным рынкам в условиях международной среды с жесткой конкуренцией и является ключевым помощником торговли между странами и всеми региональными экономическими системами. Без почтовых услуг коммерческие сайты таких регионов, как Амазонка или Бискайский залив, которыми пользуются миллионы частных лиц, возможно, не стали бы столь успешными и известными, как сегодня.

В этот Всемирный день почты я призываю все страны-члены ВПС сохранять свое обязательство в отношении одной из фундаментальных основ нашей организации и продолжать развивать и улучшать эффективность универсальной почтовой услуги ради всеобщего блага.

## ПОЧТОВАЯ СВЯЗЬ – ЧАСТЬ ЕЖЕДНЕВНОЙ ЖИЗНИ ЛЮДЕЙ

Почтовая связь является частью ежедневной жизни людей во всем мире. Всемирный Почтовый Союз (ВПС) со штабом в Берне (Швейцария), был создан в 1874 году и является специализированным агентством Организации Объединенных Наций, который регулирует правильность работы почтовых служб государств-членов Союза. Всемирный почтовый Союз (ВПС) с его 191 государствами - членами являются самой большой сетью служб в мире. В настоящее время более 6 млн. почтовых служащих, работающих в более чем 700 тыс. почтовых отделениях, оказывают внутренние и международные почтовые услуги, которые предоставляются в соответствии с Уставом, Конвенцией и Соглашениями Всемирного Почтового Союза.

ВПС создан с целью развития связей между народами путем эффективного функционирования почтовых связей и содействия высоким целям сотрудничества в культурном, социальном и экономическом плане.

Страны, которые принимают Устав Союза, составляют под наименованием «Всемирный почтовый союз» единую почтовую территорию для взаимного обмена отправлениями письменной корреспонденции. Свобода транзита гарантируется на всей территории Союза.

Целью Союза является обеспечение организации и совершенствования почтовых сношений и создание в этой области благоприятных условий для развития международного сотрудничества.

Союз, в меру своих возможностей, принимает участие в оказании технической помощи в области почтовой связи, о которой его просят страны-члены.

Республика Узбекистан является полноправным членом ВПС с 1994 года. ОАО «Узбекистон почтаси» как почтовый оператор регулярно получает циркулярные письма ВПС, оповещается о всех новостях и изменениях, происходящих в сфере почтовой связи, приглашается на всякого рода обучающие курсы и курсы повышения квалификации. Почтовые служащие участвуют на международных семинарах и конференциях.

Страны - члены или их Почтовые администрации, если законодательство этих стран не препятствует этому, могут создавать Региональные союзы и заключать специальные соглашения о международной почтовой службе.

ОАО «Узбекистон почтаси» является членом Совета операторов Регионального сотрудничества в области связи. Членами Совета операторов РСС также являются почтовые службы стран СНГ.

Высшим органом Союза является Конгресс, который проводится каждые четыре года и состоит из представителей стран-членов. На



Конгрессе обсуждаются предложения, выдвинутые страной-членом Союза для внесения изменений в Устав, который содержит общие положения Союза и Общий регламент, обеспечивающий применение Устава. Также на Конгрессе могут быть внесены изменения во Всемирную почтовую конвенцию, Регламент письменной корреспонденции и Регламент почтовых посылок, которые включают в себя общие правила, применяемые к международной почтовой службе.

В состав Открытого акционерного общества «Узбекистон почтаси» входят 14 территориальных филиалов, включающих в себя 189 районных и городских узлов, 2979 отделений связи, в том числе 2294 сельских, четыре специализированных филиала «Халкаро почтамт», «Узбекистон маркази», «Халкаро тезкор почта» и «Центр контроля денежных переводов». Организовано 6735 доставочных участков, в том числе в городах и посёлках городского типа - 2423, в сельской местности - 4312. На обслуживаемой территории установлены 5767 почтовых ящиков для сбора письменной корреспонденции, в том числе 3809 - в сельской местности.



На почтовом пространстве республики функционирует более 500 автомобильных почтовых маршрутов, обеспечивающих регулярную (ежедневную) перевозку почты. Кроме того, почта перевозится по 34 авиационным и 3 железнодорожным направлениям.

Действующая сеть - одно из важнейших достоинств почты республики. На почтовых предприятиях трудится около 15000 человек, которые ежедневно обрабатывают многие тысячи писем, телеграмм, денежных переводов, посылок, доставляют миллионам подписчиков газеты и журналы, пенсии и пособия.

За годы независимости Почтовой Администрации Республики Узбекистан выпущены в обращение более 700 видов почтовых марок.

Развивается сотрудничество с партнерами иностранных государств, увеличивается и международный почтовый обмен. В 2007 году обмен почты производился с 80 государствами мира.

В целях оснащения почтовых предприятий современным оборудованием и укрепления материально-технической базы приобретены компьютерное оборудование, модемы, факсы, ксероксы, электронные весы, а также транспортные средства.

С декабря 2005 года предоставляются услуги по приему и пересылке электронных денежных переводов между г. Ташкентом, областными центрами и отдельными районными узлами почтовой связи. Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 19 мая 2005 года утверждена «Программа модернизации сети почтовой связи, внедрения и развития новых видов услуг на базе информационно-коммуникационных технологий до 2010 года», в которой предусмотрена компьютеризация 2487 отделений связи, внедрение и развитие новых видов услуг на базе инфокоммуникационных технологий (электронная почта, электронные денежные переводы, интернет-кафе, интернет-магазин и др.).

Одним из важнейших аспектов повышения эффективности работы предприятий почтовой связи является качественное обслуживание клиентов.

Пресс служба ОАО «Узбекистон почтаси»

# Хабар +tv



## СТАНДОРТ

«O'zbekiston» телерадиоканали.  
Профилактика.  
15.00 «Тахлилнома».  
15.40 «Кўши боғмайданган юрт».  
Т/с.  
«Балалар саёбраси»:  
16.10 «Эртақлар - ахшиликка етаклар».  
16.25 «Ачиқ ёлгон». Т/с.  
17.00 «Ахборот».  
17.15 «Турмуш чорраҳаларида».  
Т/с.  
«Минг бир ривоят».  
18.00 «Амалдон тўрфаси».  
18.25 «Отин мерос».  
18.40 «Бир кун».  
19.10 «Оқдизлар оғушида».  
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».  
19.25, 19.55, 20.55, 21.30  
Эълонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.05 «ТВ шифорат».  
20.10 «Ачиқ ёлгон». Т/с.  
20.50 «Минг бир ривоят».  
21.00 «Ахборот».  
21.40 Эркин мавзу.  
22.00 «Кўнгал рингласи». Т/с.  
23.00 «Кўнгал рингласи, муҳаббат».  
(SMS). Овоз беринг.  
23.10 «Довларас сазурай». Т/с.  
24.00-00.10 Тунги наволар.  
«Uzbekistan».  
00.15 «Юртим бўлба!» дустури:  
«Наманган тумани».  
00.35 «Чемпион сизлар».  
01.00 «Ахборот». Информацион  
дустур (рус)  
01.30 «Ахборот дараси».  
02.30 «Ватанлар».  
03.30 «Бир кун».  
04.00 «Ахборот». Информацион  
дустур.  
04.35 «Отин мерос».  
04.45 «Минг бир ривоят».  
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».  
Т/с.  
05.30 «Нафосат олам».  
05.40-5.55 Тунги наволар.



Профилактика.  
16.55 Дустурини оқилсин.  
17.00 «Муъжизавий дунё».  
17.50 «Қомусини».  
17.55 «Телехўфа».  
18.00 «Давринг боласи».  
18.10 «Кўнгал дўбқочлар»./ М/  
с  
18.20 «Балалар табасуми».  
18.25 «Ватаним».  
18.30 «Матонат».  
18.45 «UzEX хабарлари».  
18.50 «Бу азия Ватан - бичмази-  
ники».  
18.55 «Телехўфа».  
19.00 «ДАВР».  
19.30 «Абро тақдирлар»./ Т/с.  
20.05 «Муъжиза ҳақи».  
20.10 «СПОРТЛОТО».  
20.20 «ТВ-банк».  
20.30 «UzEX хабарлари» (рус ва  
инглиз тилларида)  
20.40 «Қомусини».  
20.45 «Эълонлар».  
20.50 «Ишқомил уй»./ Т/с.  
21.35 «SMS-муъжиза».  
21.55 «Эълонлар».  
22.00 «ДАВР».  
22.30 «Муъжиза муъжиза».

## ДУШАНБА — 8 ОКТЯБР

22.50 «Қақрус». Т/с (Корея)  
23.55 — 23.55 «Таскин».

## СТАНДОРТ

17.55 М/ф. «Қундуз амакнинг  
ҳикоялари».  
18.05 «Телекурьер - маркет».  
18.25 «Биласизми?»  
18.30 «Пойтахт».  
18.50 «Этихаслар». Телесериал.  
19.20 «ТВ ориент».  
19.25 «Муъжиза SMS».  
19.50 «Саломат бўлинг!»/рус/  
20.00 «Пойтахт»/рус/  
20.15 «ТВ ориент»/рус/  
20.20 «Подводная экзепедиция».  
14-қисм.  
20.50 «Интервью»/рус/  
21.00 «Жоизба».  
21.30 «Пойтахт».  
21.45 «Уларим».  
21.50 «Телекурьер - маркет».  
22.10 «Аёл қизини».  
22.30 «Пойтахт»/рус/  
22.45 «Кино SMS со звездами».  
22.50-00.20 Кинот «Свидетель  
на свадьбе».

## СПОРТ

Профилактика.  
17.00 Футбол. Узбекистон  
чемпионати. «Мапшл»-«Нефчи».  
18.30 «Хабарлар» (рус тилида)  
18.50 «Муъжиза тайм».  
19.10 «Жил мен».  
20.00 «Старые дела». Сериал.  
20.45 «Во имя человека».  
Док. фильм.  
21.05 Футбол шарди.  
21.30 «Хабарлар» (узб тилида)  
21.50 Приключенческий экран:  
«Спасатель».  
22.20 Проф.РИНГ.  
00.10 «Тунгиниз ошад бўласин».

## БИРИНЧИ

4.00 Телеканал «Доброе утро»  
8.00,11.00 Новости  
8.05 Телеканал «Доброе утро».  
Продолжение  
8.30 «Милхоз +»  
9.30 «Контрольный закупка»  
10.00 Проект национальной  
безопасности. Т/с  
11.15 «Модный приговор»  
12.25 «Детективы»  
13.00 Другие новости  
13.30 «Фабрика звезд»  
14.00 (с субтитрами)  
14.15 «Понять. Простить»  
14.50 «Людмила. Без комплексов»  
15.55 «Федеральный судья»  
17.00 Вечерние новости (с  
субтитрами)  
17.15 «Жил мен»  
18.05 «Таттинан день»./ Т/с  
19.05 «Слеп»  
20.00 Время  
20.30 «На пути к сердцу»./ Т/с  
22.25 «Фабрика звезд»  
23.10 Ночные  
23.25 Теория невероятности.  
«Тайная жизнь зеркала»  
0.15 «Гени и злодеи»  
0.45,2.30 Х/ф «Однажды в

Токно».  
2.00 Время  
2.55 «Женщины в безвоздуш-  
ном пространстве»

## РОССИЯ

04.00 «Доброе утро, Россия»  
07.00 Д/ф «Рокеров круиз  
Тайна катастрофы на Волге»  
07.55 Х/ф «Любовь под  
пазуром».  
09.45 «Вести. Дежурная часть».  
10.00,13.00,16.00,19.00 «Вести».  
10.30,12.40,18.40 «Местное  
время. Вести - Москва».  
10.50 Т/с «Таинственный  
остров».  
11.15 М/ф.  
12.10 Т/с «Простые истины».  
13.10 Т/с «Слова команды».  
13.40 Т/с «Масеха».  
14.30 «Суа идет».  
15.30 «Кулагин и партнеры»  
16.20 «Местное время. Вести -  
Московская область».  
16.40 Т/с «Тайны следствия».  
19.45 «Спокойной ночи,  
малыши»  
19.55 Т/с «Штрафбат».  
22.45 «Мой серебряный шар.  
Татьяна Лаврова».  
23.50 «Вести +».  
00.10 «Зеркало».  
00.30 «Дорожный патруль»  
00.45 Комедия «Любовь по  
случаю»  
02.10 Канал «Евроночь».

## НТВ

05.00 «Сегодня утром».  
08.05 «Следствие вели...»  
09.00,12.00,15.00,18.00,21.45  
«Сегодня».  
09.25 «Чрезвычайное происше-  
ствие. Обзор за неделю».  
09.55 «Кулинарный поединок».  
11.00 «Квартирный вопрос».  
12.30 Комедия «Солдат Иван  
Бровкин».  
14.30,17.30 «Чрезвычайное  
происшествие. Обзор».  
15.25 Т/с «Закон и порядок».  
18.40 Т/с «Час Волкова».  
19.45 Т/с «Платина».  
20.45 Т/с «Опера. Хроники  
убойного отряда»  
22.10 Т/с «Большая охота за  
исти. Все мужик сво. 2».  
23.10 «Школа злодеяния».  
00.05 «Top Gear».  
00.35 Х/ф «Молчание ягнят».  
02.50 Комедия «Бесполокное  
хозяйство».

## КУЛЬТУРА

06.00 Канал «Евроночь».  
09.20 «В главной роли...»  
09.50 Х/ф «Успех».  
11.25 «Линия жизни». А.  
Защепин.  
12.20 «Птице измерение».  
12.50 Спектакль «Флорентийские  
ночи».  
13.45 «Роман ее души». М.  
Цветова.  
14.25 «Русский стиль». «Чинув-  
викки».  
14.55 «Порядок слов».  
15.35 «Артистка верзель».

16.00 Д/ф «Гораший».  
16.10 Д/с «Поместие сурката».  
16.35 «Чадаев».  
17.00,01.35 «Другое золотое  
кольцо». Поречье.  
17.15 «Достоиние республики».  
Холмоторы.  
17.30 «БлокНОТ».  
18.55,00.40 Д/с «В поисках  
Древнего Египта»  
19.50 «Театральная летопись. 3.  
Шарка».  
20.20 «Острова». В. Иванов.  
21.05 «Тайны забытых побед».  
«Штурман»  
21.35 «Тем временем».  
22.55 «Про Арт».  
23.25 «Легенды мирового кино».  
Ф. Феллини.  
23.55 Д/ф «Другой Кармен».

## СТС


07.00 Т/с «Школа «Черная  
дыра»».  
07.45 М/ф.  
07.55,15.00,15.05,15.30,16.00,16.30  
М/с.  
08.00,18.00,00.00 Т/с «Моя  
прекрасная явня»  
08.30,20.00,00.30 Т/с «Патны  
23.00»  
09.00,21.00 Т/с «Кадетство»  
10.30,19.00 Т/с «Танцы под  
звездами».  
11.30 Т/с «Все смешалось в  
том».  
12.30 Т/с «Безмолвный  
свидетель».  
13.30 «Снимите это немедленно».  
14.30 «Экстремальная команда».  
17.00 Т/с «Таинственный  
портал»  
17.30 «Галилео».  
22.00 Х/ф «Парень из пазуры».  
23.35 «6 кадров».  
01.30 «Детали».  
02.30 Т/с «100 полвитов Элли  
Макадула».  
03.15 Т/с «Кинга Днива».

## ТВЗ


07.00 Победоносный голос.  
07.30,08.15,08.45,09.15,09.30 М/ф.  
10.30,19.00 Репеты сульбы.  
11.30,16.30 «Успех»  
12.30,16.00 Успех за 23 минуты.  
13.00,18.00 Т/с «Звездные врата»  
14.00,21.00 Тайны.  
15.00,20.00 Т/с «Говорящая с  
призраками».  
17.30 Т/с «Мурашки».  
22.00 Х/ф «Высшая сила».  
00.00,02.30 Т/с «Байки из  
сиенки»  
00.30 Х/ф «Лепрекон в космосе».

## ТНТ

04.45 Т/с «Любовь и тайны  
Савест Бич».  
05.30,12.30,18.00 Такси.  
20.05 «ТВ шифокор»  
20.10 «Анчик, салги» Т/с  
20.50 «Минг бир ривоят»  
21.00 «Ахборот»  
21.40 «Қўшиқларда қолган умр»  
22.05 «Кўнча ривоятлари» Т/с  
23.00 «Қўштинисил, муҳаббат»  
(SMS Овоз бериш)  
23.10 «Турмуш чорраҳалари» Т/с  
23.50-24.00 Тунги наволар  
«Uzbekistan»  
00.05 «Юртим бўйлаб» дастури:  
«Ўзбек товлари»  
00.25 «Рақоти дунё»  
00.45 «Спорт — меннинг ҳаётим»  
01.00 «Ахборот». Информацион дастури (рус)  
01.30 «Олтин мерос»  
01.40 «Янги кун»  
02.30 «Девона. Бадий фильм»  
03.55 «Минг бир ривоят»  
04.00 «Ахборот». Информацион дастури.  
04.35 «Олтин мерос»  
04.45 «Минг бир ривоят»  
04.50 «Турмуш чорраҳалари» Т/с  
05.30 «Нафисат олами»  
05.40-05.55 Тунги наволар.



6.55 Дастирунг ошидиси.  
7.00 «АНГИ ТОНГ»  
8.00 «Дарини болан»  
8.10 «Хайт сўмоқлари». Зайнаб Садрива.  
8.30 Миллий кино: «Суюнчи»  
9.40 «Телехўфа»  
9.45 Жалол муенка муклажидан:  
Жалол Массис. «Вертер»  
9.55 «Комусим»  
10.00 «ДАВР»  
10.10 «Айро тақдирлар» Т/с  
10.35 «Телехўфа»  
10.40 «Иттерфутбол»  
12.10 «Ишқомил уй» Т/с  
12.50 «Муруват»  
13.00 «ДАВР»  
13.10 «Телехўфа»  
13.15 «Афсона ва ҳақиқат»  
14.00 «Жаҳуд» Т/с  
14.55 «Ватаним»  
15.00 «ЯНГИ КҮН»  
15.50 «Мукуи муенка»

16.00 «ДАВР»  
16.10 «Пувро» Т/с  
17.00 «Конуи ижроси»  
17.10 «Иқтисодий ҳимоя йилига  
боғлиқлашди» «Мейер — солақ  
гармони»  
17.30 «Тараққий сари»  
17.50 «Ватаним»  
17.55 «Телехўфа»  
18.00 «Дарини болан»  
18.10 «Кўнча дубоқчалар»  
Муалфари.  
18.20 «Болалар табасуми»  
18.25 «Мангудика муҳриданган  
мустикалли»  
18.30 «Ешлик наволари»  
18.50 «Бу ази Ватан —  
баримизники»  
18.55 «Телехўфа»  
19.00 «ДАВР»  
19.30 «Айро тақдирлар» Т/с  
20.05 «Муенки ҳаза»  
20.10 «СПОРТЛОТ» телелотереяси.  
20.20 «Абингиллик мубарка»  
Невоис Саломатова.  
20.50 «Ишқомил уй» Т/с  
21.35 «Пардаманг вақти»  
21.55 «Комусим»  
22.00 «ДАВР»  
22.30 «Мукуи муенка»  
22.50 «Жаҳуд» Т/с  
23.50 — 23.55 «Таскин»



7.30 «Салом, Тошкент!»  
8.35 «Эгизлар». Телесернал.  
9.05 «Телехўра — маркет»  
9.25 «ТВ юрист»  
9.35 «Саломатлик қаламжоллар»  
9.45 «Биласизми?»  
9.50 «Муенка SMS»  
10.15 «Уйларим»  
10.25 «Интервью»  
10.35 М/ф: «Золушка I 1 /  
Премьера»  
11.45 «ТВ юрист/рус»  
11.55 - 13.20 Кино:  
«Фантастическая четверка:  
Вторжение кербурндского серфера»  
\*\*\*

17.55 М/ф: «Суджуд амазингиз  
хироқлари»  
18.05 «Телехўра-маркет»  
18.25 «Биласизми?»  
18.30 «Пойтахт»  
18.50 «Эртаклар». Телесернал.  
19.20 «ТВ юрист»  
19.25 «Муенка SMS»  
19.50 «Иқтисод-ревью»/рус/  
20.00 «Пойтахт»/рус/  
20.15 «ТВ юрист/рус»  
20.20 «Подводная экспедиция»  
17-кин.  
20.50 «Интервью»/рус/  
21.00 «Жолиба»  
21.30 «Пойтахт»  
21.45 «Уйларим»  
21.50 «Телехўра — маркет»  
22.10 «O'zbekiston» махлуоти:  
«Уменкалик дунёси»  
22.30 «Пойтахт»/рус/  
22.45 «Кино SMS со звездами»  
22.50 — 00.50 Кино: «Человек паук-2»



7.00 «Бодрое утро»  
8.00 «Хабарлар» (рус тилида)  
8.20 «Мультифилм»  
8.30 «Маллох +»  
9.30 «Дететив»  
10.00 «Хабарлар» (узб тилида)  
10.20 Ганзоб. Мустикалик кубоги.  
11.20 Фестивале. Чемпионат мира.  
12.00 «По следам индийских львов»  
Документальный фильм.  
12.25-13.10 Футбол Германия  
чемпионати шарҳи  
\*\*\*  
00 «Болалар спорти»  
18.15 «Муенки тайм»  
18.30 «Хабарлар» (рус тилида)  
18.35 «Поле чудес»  
20.00 «Старые дела». Сернал.  
20.45 «Стоя. Аппак». Ток-шоу.

21.30 «Хабарлар» (узб тилида)  
21.50 Детективное кино. Диалог  
этих рук»  
23.20 Формула-1.  
00.05 «Тунгилли осула булсин»

**БИРИНЧИ**

4.00 Телеканал «Доброе утро»  
8.00,11.00 Новости  
8.05 Телеканал «Доброе утро»  
Продолжение.  
8.30 «Маллох +»  
9.30 «Контрольная закупка»  
10.00 «Агент национальной  
безопасности» Т/с  
11.15 «Мощный приговор»  
13.00 Друзья новости  
13.25 «Фабрика звезд» дома»  
14.00 (с субтитрами)  
14.15 «Урза-Вайрам». Трансляция  
из Уфимской соборной мечети  
14.50 «Лолита. Без комплексов»  
15.55 «Федеральный судья»  
17.00 Вечерние новости (с  
субтитрами)  
17.15 «Пусть говорят»  
18.00 «Тышини лень» Т/с  
18.55 «Поле чудес»  
20.00 Время  
20.25 Х/ф «Парфюмер»  
22.50 Х/ф «Без пошлости»  
0.45, 2.25 Х/ф «Явди-кошки»  
2.00 Время  
3.15 Х/ф «Догора»

**РОССИЯ**

04.00 «Доброе утро, Россия!»  
07.00 Т/с «Тайны следствия»  
07.55 Д/ф «Праздник Урза —  
Байрам»  
08.50 «Мусылмане»  
09.00 Т/с «Держи меня крепче»  
10.00,13.00,16.00,19.00 «Вести»  
10.30,12.40,18.40 «Местное время»  
Вести - Москва»  
10.50 «Властелин ум»  
11.20 «Игра воображения»  
11.50 М/ф.  
13.10 Т/с «Свой команд»  
13.40 Т/с «Мечта»  
14.30 «Суд идет»  
15.30 «Кулатин и партнеры»  
16.20 «Местное время. Вести -  
Московская область»  
16.40 Т/с «Тайны следствия»  
19.15 «Питва студии»  
19.50 «Спокойная ночь»  
мыльщик»  
20.00 «Юрмала-2007»  
22.00 Детектив «Мужчины не  
плачут. Смертник»  
00.00 Х/ф «Шепот»  
01.50 «Дорожный патруль»  
02.10 «Горькая десятка»  
03.00 Т/с «Дневники Беафорда»  
03.45 Канал «Европий»

**НТВ**

05.00 «Сегодня утром»  
08.05 «Наше все!»  
09.00,12.00,15.00,18.00 «Сегодня»  
09.20 «Лихие 90-е»  
09.55 Т/с «Таксистка 4»  
12.25 Т/с «Час Волкова»  
13.30 Т/с «Палата»  
14.30 «Спасатели. Обзор»  
15.30 Т/с «Возвращение Мухомара 2»  
17.30 «Презывчающее  
происхождение. Обзор»  
18.45 «Следствие вели»...  
19.40 «Презывчающее  
происхождение. Расследование»  
20.05 «Ты — суперстар»  
22.00 Х/ф «Батмен и Робин»  
00.30 Комедия «Луни Тунис»  
снова в деле»  
02.20 Т/с «Возвращение Мухомара  
2»  
03.50 Т/с «Центр Везеловой»

**КУЛЬТУРА**

05.30 Канал «Европий»  
09.30 Д/с «Музей мира» «Музей  
золота. Богота»

10.00 Х/ф «Котловский»  
11.25 «Культурная революция»  
12.20 «Странствия музиканта»  
12.30 Х/ф «Тшини»  
14.30 Д/ф «Востанели Кольца.  
История создания  
синхрофазотрона»  
15.20 «В музей - без поводка»  
15.35 Т/с «Новые приключения  
Леси»  
15.55 Д/ф «Эмилли Леня»  
16.05 Д/с «Поместе сручат»  
16.30 «3и селма пелчати»  
17.00 «Рационетни»  
17.30 «Камертон»  
18.00 «Смехоносталгия»  
19.05 «Сфера»  
19.50 Х/ф «Баттерфид. 8»  
21.35 «Линия жизни. И  
Микропиченко»  
22.50 «Кто там»  
23.20 Х/ф «Здравствуй, грусти»  
00.50 Д/ф «Острон Занд. Сад  
цветов в каменной пустине»  
01.10 «Сфера»  
01.50 Д/ф «Наши. Родина богини  
огня Пеле»

**СТС**

07.00 Т/с «Лиззи Магуиер»  
07.45 М/ф  
07.55,15.00,15.05,15.30,16.00,16.30  
М/с.  
08.00,18.00 Т/с «Моя прекрасная  
жизнь»  
08.30,20.00 Т/с «Пятеро дочек»  
09.00,21.00 Т/с «Калетство»  
10.30,19.00 Т/с «Танцы под  
звездами»  
11.30 Т/с «Все смешалось в  
доме»  
12.30 Т/с «Безмолвный свидетель»  
13.30 «Кино в деталях»  
14.30 «Экстремальная команда»  
17.00 Т/с «Джани дома»  
17.30 «Галилео»  
22.00 Х/ф «Онаджик в Мексике.  
Отчаянный 2»  
00.00 «Звонки»  
01.00 Х/ф «Бригиттово»  
02.50 Х/ф «Любовь, глывающая с  
ночь»  
04.15 Х/ф «Жадности»

**ТВ3**

07.00 Победивший голос.  
07.30,08.15,08.45,09.15,09.30 М/ф  
10.00 Мелдинское озбрение.  
10.15 Свет и тень.  
10.30,19.00 Рецетты судьбы.  
11.30,16.30 «Унел»  
12.30,16.00 Успеть за 23 минуты.  
13.00,18.00 Т/с «Звездные врата»  
15.00,20.00 Т/с «Гонорация с  
презракими»  
17.30 Т/с «Мурашки»  
22.00 Х/ф «Ленетин»  
00.05,02.30 Т/с «Байок из склепа»  
00.30 Х/ф «Чужие земли»  
03.00 Культуральности.

**ТНТ**

04.45 Т/с «Любовь и тайны Сансет  
Бич»  
05.30,12.30,18.00 Таскин.  
05.55 «Глобальные новости»  
06.00,07.30 Утро.  
09.00,17.00 Т/с «Счастливым  
вместе»  
10.00,10.30,11.00,11.30,12.00 М/ф.  
13.00 «Культурный дозор»  
13.30 Т/с «Саша+Маша»  
14.00,20.00,00.00,03.20 «Дом 2»  
15.00 Комедия «Китайский  
сервиль»  
18.30 Москва: инструкция по  
применению»  
19.00 «Игитишка»  
21.00 «Комеди Клуб»  
22.00 «Наша Russia»  
22.25 «Смех без правил»  
23.30 С.А. Чеховой.  
00.45 «Необязательно, но факт»  
01.40 Комедия «ДМБ»

## ALOQA OLAMIDA



### МОБИЛ ТВ ИНҚИРОЗИ

Мобил телевидение зўр бериб реклама қилинаётганлигига қарамай, сўнгги 12 ойда Европадаги абонентларнинг фақат 5 фоизи бу хизматдан фойдаланишга қарор қилган. Таҳлилчилар эса тез орада сармоядорлар ҳам мобил ОАВни қўллаб-қувватлашни бас қилишни тахмин қилишяпти.

Ха, келажаги порлоқ дея умид билдирилган бу хизмат Европада инқироз ёқасига келиб қолди. Хатто турли қўшимча контент-хизматларга доим талаб юқори бўлиб келган Осийда ҳам мобил ТВга уяли алоқа абонентларининг бор-йўғи 20 фоизи қизиқиш билдирган, холос. Хизматнинг омалашшига мобил телефонлар экранининг кичиклиги тўсиқ бўлмоқда. Аммо муаммо ечимини топиши билан вазият ўнгирилиши ҳам мумкин.

### АДАБИЁТДА ЯНГИ ЖАНР...

Япониялик ёш адиблар орасида ном қозонишнинг янги усули — мобил новеллалар (уяли телефонлар учун ҳикоялар) ёзиш омалашиб борапти. Мобил курилмалар ёрдамида ўқиладиган асарлар, ўз навбатида, ўқувчиларни қизиқтирмай қолмади.

Бу асарлар фақат тарқатиш осонлиги билангина эмас, балки тескари алоқанинг мавжудлиги билан ҳам ўқувчиларни жалб этмоқда. Айниқса, Часо тахаллуси остида "Фаришта менга нима берди?" номли ҳикояни ёзган 27 ёшли аёл жуда машҳур бўлиб кетди. Унинг саҳифасига кунига 25 мингдан зиёд фойдаланувчи «ташриф буюрмоқда». Ҳикоянинг давом эттирилишини истаган мухлислар бетиним кўнғироқ ва хатлар йўллаб, адибани ҳол-жонига қўйишмаяпти. Муаллифнинг иккунга бўлишича, тинимсиз кўнғироқлар тўфайли у кунига фақат икки соатгина ухлар экан.



### SMS-САВДО ОММАЛАШМОҚДА

USA Weekend тарқатган хабарда айтилишича, SMS-хабарлар кийим-кечак ёнги бошқа буюмларни тез харид қилиш борасида бепул кўнғироқлар ва интернет хизматини сиқиб чиқармоқда.

Япония ва Жанубий Корея фуқаролари кока-коладан тортиб автомашиналаргача SMS воситасида харид қилишга одатланишган. Эндиликда SMS-савдолар АҚШда ҳам урф бўла бошлади. Масалан, кийим-кечак, пойабзал ва тақинчоқлар савдоси билан шуғулланувчи Urban Outfitters компанияси миқозларни янги келтирилган маҳсулотлар ҳақида хабардор қилиб турувчи UO TXT SMS-хизматини йўлга қўйди. Шунингдек, «Glamour», «Lucky» ва «Stuff» журналлари ҳам бу гождан фойдаланишга қизиқиш билдирмоқда.

### SONY АКЦИЯЛАРИНИ СОТАДИ

Sony корпорациясининг молиявий бўлини маси сотувга қўйилган акцияларининг умумий қиймати 3,03 миллиард долларга ошганини маълум қилган.

Акцияларни сотишдан тушган сармоя ҳозирги кунда жаҳон бозоридида Samsung Electronics ва Sharpнинг жиддий қаршилигига учраган Sony маиший техника бўлини масини ривожлантиришга йўналтирилади. Шу билан бирга, 11 октябр куни Токио фонд биржасида Sony Financial Holdings суғурта компаниясининг акциялари ҳам пайдо бўлиши кутилмоқда.

### ЯШИЛ ЭНЕРГИЯ

Экологик тоза усулда электр қуввати ишлаб чиқаришга ихтисослашган Solio компанияси қуёш батареялари учун Hybrid1000 деб номланган янги зарядлаш қурилмаси тақдимотини ўтказди.

Универсал зарядлаш қурилмаси мобил қурилмаларни ҳеч қандай "розетка"-сиз, аънавий электр қуввати манбаларисиз зарядлай олади. Бу вазифани қўшалок қуёш панелли ва катта сизим (3,7 В, 1000 мАч)га эга литий-ионли батареялар бажарди. Қуёш панели (6 В, 100мА) зарядни бир йилгача сақловчи аккумуляторни зарядлайди.

Ишлаб чиқарувчи компания мутахассисларининг ҳисоб-китобларига қараганда, қуёш орқали олинган 1 соатлик зарядка мобил телефонда 15 дақиқа сўхбатлашиш ёки MP3-тартибда 40 дақиқа ишлашга етади.



### ҲИНДИСТОН АЛОҚА ЙЎЛДОШИ

Яқин уч йил ичида Ҳиндистон космик агентлиги (ISRO) мамлакатда йўлдошли мобил алоқани таъминловчи GSAT-6 йўлдошини фазога чиқаришни режалаштирмоқда.

ISRO раҳбари Мадхаван Наирнинг айтишича, йўлдош фазога чиқиши билан уяли алоқа хизмати тарифлари бирмунча пасаяди ва энг чекка ўлкаларда ҳам сифатли алоқа таъминланади.

### ЕИ ОПЕРАТОРЛАРГА ҚАРШИ

Яқинда Европа Иттифоқида роуминг нарҳини чеклашга доир қонун кучга кирди.

Унга кўра, Евроиттифоқ бўйлаб чиқувчи кўнғироқлар учун максимал қиймат — 49, кирувчи кўнғироқлар учун эса 24 евроцент қилиб белгиланди. Орадан бир йил ўтиб роуминг баҳоси яна туширилади — 43/19 евроцент.

Янги чекловлар матнли хабарлар ва интернет трафика таъсир ўтказмади. Аммо, Еврокомиссия вакилларининг оғохлантиришича, агарда операторлар ўз ташаббуслари билан нарҳларни пасайтиршмаса, бунга ҳам қонун доирасида тегишлича чора кўрилади.



### ЭЛЕКТРОН КИТОБ



Sony корпорацияси "электрон китоб" (Sony Reader Digital Book)нинг янги модели — PRS-505 тақдимотини ўтказди.

Янада юққа корпус, мукамалроқ бошқарув тизими, ёрқинроқ экран билан таъминланган қурилма ёрдамида ҳатто қуёшли шароитда ҳам мутлоа қилиш мумкин.

Бошланғич хотира сизими 192 Мб (Memory Stick Duo ва SD карталари ёрдамида уни яна кенгайтириш мумкин) бўлиб, ўртача ҳажмли 160та электрон китобни сизгидира олади. Компютер билан маълумот алмашуш учун оддий USB интерфейсдан фойдаланса бўлади.

Қурилма "асосий" форматдан ташқари PDF ва RTF файлларда ишлаш, JPEG-тасвирларни кўриш имконини беради. Аккумуляторнинг бир зарядланиши 7500 саҳифани ўқишга етади. PRS-505 ўлчамлари — 175x122x8 мм, оғирлиги — 230 грамм. Нархи — 300 АҚШ доллари.

## BU – QIZIQ!

### ГЕЙМЕРЛАР УЧУН КЛАВИАТУРА




IFA 2007 кўргазмасида Toshiba компанияси геймерлар аудиториясига мўлжалланган клавиатурани намойиш этди.

Мазкур қурилма ўзига хос юмалоқ дизайнга эга бўлиб, фойдаланувчига мавжуд 55 тугмачанинг инсталлигидан муаммосиз фойдаланиш имконини беради. Клавиатура USB портига боғланади. Афсуски, унинг нархи ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ.

### :-) ХУРСАНДМАН ДЕГАНИДИР

Ҳозирда чат орқали мулоқот ёки матнли хабар алмашиш вақтида "смайл"лардан фойдаланмайдиган қўл телефон эгасини ёки интернет фойдаланувчисини топиш қийин.

Хўш, "смайл"лар нима ўзи? "Смайл"лар фойдаланувчининг матнда сўз билан баён этиш қийин бўлган хис-туйғуларини ифодалаш воситаси бўлган рамзлардир. Бу рамзлар интернет орқали сўхбатлашган шахсларнинг ўзаро фикр элтишиши учун оддий ва қулай имкониятдир.



Хис-туйғули ҳолатларни ёки бошдан ўтказган кечинмаларни маълум бир рамзлар билан ифодалаш гоёсини бундан 25 йил олдин, яъни 1982 йилининг 19 сентяб-рида Карнеги-Меллон университети профессори Скотт Фалман ўйлаб топган. Ушанда Фалман чат орқали мухлисларидан бири билан сўхбатда ҳазил маъносини ифодалаш учун :-)) белгисини ишлатган. Агар ушбу белгининг ўнг томонидан қаралса, худди қулиб турган одамни эслатади. Бунинг акси эса :-(( рамзи билан ифодаланади. Йиллар ўтиши билан "смайл"ларнинг жуда ҳам кўп турлари, шунингдек, аницияланганлари яратилди. Ҳозирда чат, агент ёки бошқа электрон сўзлашувлар орқали сўхбат чоғида сўхбатдошингизга гулдаста тақдим қилишингиз ёки жаҳлингиз чикса, кучкуча орқали сўхбатдошингизни "отиб" ташлашингиз мумкин.

"Смайл"лар юбилейи муносабати билан Карнеги-Меллон университети Yahoo компанияси билан ҳамкорликда тармоқ доирасидаги мулоқотда англиклар бўйича Smiley Award танловини ташкил этди. Фойиблар пул муқофотлари билан тақдирландилар.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Мирзо Улугбек академик лицейида бўлиб ўтган байрам тантаналарида яна устозлар улуғланди. Лицей ўқувчилари куй ва кўшиқлар, шеър ва сахна кўринишлари орқали ўқитувчиларини хушнуд этдилар, уларга машаққатли ва шарафли ишларидан миннатдорчилик туйғуларини изҳор қилишди.

Байрам тадбирида сўз олган лицей директори Нодира Умарова лицей жамоасини, тадбирга тақлиф қилинган туманининг "Баҳор" маҳалласида истиқомат қилувчи фахрий устозлари касб байрамлари билан табриклади. Билим юртида кейинги йилларда кўлга киритилган ютуқлар, таълим жараёнида амалга оширилаёт-

## Устозлар улуғланди

ган ижобий ишлар ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Дарҳақиқат, педагогик жамоанинг тинимсиз изланишлари натижасида мазкур лицей кўплаб ютуқларга эришмоқда. Ўқувчилар фан олимпиадаларида, кўплаб танловларда фахрлий ўринларни эгаллашмоқда. Битирувчиларнинг аксарияти турли олийгоҳларга кириб ўқишга муяссар бўлмоқда. Ўқитувчиларнинг ҳам фидойийликлари, касбга бўлган меҳр-муҳаббати муносиб баҳоланмоқда. Масалан, лицейнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси Масуда Қодирхўжаева касб байрамини кўшалоқ хурсандчилик билан кутиб олди. Бу фидойий инсон Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "Ўз касбининг устаси" белгиси билан тақдирланган эди. Устозлар байрами арафасида Масуда онага Тошкент шаҳар ўрта махсус ва касб-хунар таълими бошқар-




маси бошлиғи Ш.Жавлонов ушбу мукофотни ҳамда бошқарма фахрий ёрлигини тантанали топширди. Албатта, шу кунни опа қилаётган меҳнатлари эътирофидан ҳеқисиз қувонди. Лекин бу ҳаммаси эмас эди...

Тантанали байрамда лицей директори йилгиланларга яна бир қувончли воқеани, яъни ушбу билим юртининг икки нафар ўқитувчиси Олий ва ўрта махсус таълим маркази томонидан "Ўрта махсус касб-хунар таълими аъло-чиси" унвони билан тақдирланганлигини маълум қилди. Юқсак мукофотга сазовор бўлган ўқитувчиларнинг бири Қўшарбой Суяров бўлса, иккинчиси Масуда Қодирхўжаева эди.

— 1976 йилдан 2000 йилгача Мирзо Улугбек туманидаги 49-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бердим, — дейди Масуда Қодирхўжаева. — Етти йилдирки, ушбу лицейда ўқувчиларга она тилимизнинг, адабиётимизнинг гўзал ва бетакрор сирларини сабоқ бериб келяман. Уйламанки, бу мукофотлар нафақат менга балки бутун жамоага, лицейнинг обрў-эътиборига берилган баҳодир.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ

### ҲАЁТНИ СЕВАСАНМИ? СЕВСАНГ, ВАҚТНИ БОЙ БЕРМА!



## Лицензияланган таълим ўҚИШГА МАРҲАМАТ!!!

Бизнинг мақсадимиз — давр талабидоғи сифатли кадрлар тайёрлаш!  
«Сизнинг ишончингиз — бизнинг масъулиятимиз!»

## «ЭФФЕКТ — МОЛИЯ»

Ўқув-тадқиқот илмий маркази чуқур ва сифатли билим олишга интилган ёшларни 100 фоиз кафолати ва амалиёти билан замонавий мутахассислар тайёрловчи куйидаги интенсив ўқув бўлимларига тақлиф қилади:

#### I. Молия-иқтисод ва бошқарув бўлими:

(малакали раҳбар ва бош ҳисобчилар дарс берадилар)  
— Бухгалтер-молиячи (бош ҳисобчи даражасида) — 1 йил, тезкор — 5 ой, 1 ойга — 30 минг сўм (нолдан балансгача, компьютер, Internet, 1С бухгалтерия программаси).  
— 1С бухгалтерия программаси — 1 ой, тезкор — 8 кун, 60 минг сўм. Яққа тартибда.  
— 1С бухгалтерия программасини ўрнатиш хизмати — шартнома асосида.

— Урта ва кичик бизнес раҳбари — 1 йил, тезкор — 5 ой, 1 ойга 30 минг сўм (компьютер, бухгалтерия, меҳнат қонунчилиги, бошқарув тактикаси).  
Банк иши (офис ва банк программаси, кредитлаш ва бухгалтерия) — 1 йил, тезкор — 5 ой, 1 ойга 30 минг сўм.

— Кадрлар иши — 6 ой, тезкор — 2 ой, 1 ойга 30 минг сўм (компьютер, Internet, меҳнат қонунчилиги).  
— Секретарь-референт — 3 ой, тезкор — 1 ой, 1 ойга — 30 минг сўм, (компьютер, Internet, иш юритиш тактикаси).

#### II. Компьютер технологиялари бўлими:

(фақат яққа тартибда)  
— Компьютерда офис ишлари (бошловчилар учун тулқин курс): Windows XP, Microsoft Office: Word, Excel, Paint. Муддати — 2 ой, тезкор ўқитиш — 1 ой ёки 15 кун, 1 ойга — 15 минг сўм.  
— INTERNET ва E-MAIL (электрон почта) — 15 кун, тезкор — 4 кун, 15 минг сўм.  
— Photoshop, CorelDraw, 3D Max, AUTO CAD, FlashMX, PageMaker, (видеомонтаж) Adobeprimier дастури. 1 ой. 35 — 50 минг сўмдан.  
— WEB сайтлар яратиш (HTML, JAVA, Home Site, Dreamweaver) — 2 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.  
— Компьютерларни модернизациялаш, йиғиш ва дастурларни ўрнатиш — 1 ой, 40 минг сўм.

— Компьютерларро локал тармоқлар ва сервер бошқаруви — 1 ой, 40 минг сўм.  
— Дастурлаштириш (VISUAL C++ NET, BASIC 6.0 DELPHI) — 3 ой, 1 ойга — 60 минг сўм.  
— SQL(Server) маълумотлар базаси бошқарувчиси — 2 ой, 1 ойга — 60 минг сўм.  
— Уяли телефонни таъмирлаш — 3 ой, 1 ойга — 100 минг сўм.  
— Программаларни ўрнатиш, компьютерларни йиғиш ва тузатиш, дискларга ва уяли телефонга музика, расм ёзиш, катта ҳажмдаги сканер ва ксерокс хизматлари.

#### III. Тилларни мукамал ўрганиш бўлими:

(кичик гуруҳларда, аудио-видео аппаратуралар ёрдамида)  
Ўқини вақтини унингиз белгилангиз. Бериб йўналишлар бўйича тезкор ўқитиш гуруҳлари мавжуд. Ўқини учун фақат паспорт ёки тузилганлик ҳақидаги гувоҳнома талаб қилинади. Тўлов нақд ёки пул ўтказиш бўли билан! Тест натижаларига кўра лицензияланган диплом берилади.  
Қабул: 9:00-19:00, дам олиш кунни — яқшанба. Ётоқхона — 1 ойга 25000 сўм.

Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 84-уй, «Козогистон» кинотеатрининг ўнг томони. (Автобуслар: 9, 19, 20, 24, 50, 51, 60, 67, 72, 85, 88, 89, 91, 93, 95, 115)  
Келиш йўли: метронинг Минор, автобусларнинг «Козогистон» кинотеатри бекати.

Тел.: 135-10-36 (факс), 134-70-69.

— Инглиз тили — (бошловчилар учун) — 4 ой, (чуқур ўрганиш) гид-таржимон — 4 ой, (олий курси) гаплашув клуби — 4 ой, 1 ойга — 15 минг сўм.  
— Немис тили, француз тили ва корей тили — (тулқин курс) — 1 йил, тезкор — 6 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.  
— Рус тили — (бошловчилар учун) — 4 ой, (давом этириувчилар учун) — 4 ой, гаплашув клуби — 4 ой, 1 ойга — 15 минг сўм.

#### IV. Йиғит-қизларни ҳаётга тайёрлаш бўлими:

(фақат кичик гуруҳларда)  
— Сартарош-стилист, педикюр-маникор (эркаклар ва аёллар учун) — 4 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 2 ой.  
— Тирноқларни ўстириш, коррекциялаш. Акрил ва гуаш билан гул ясаш ва чизиш (яққа тартибда) — 1 ой — 100 минг сўм.

— Косметолог-визажист — (олий курси б-н) 2 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 1 ой.  
— Тиббиёт ҳамшираси, массажчи (компьютер, интернет б-н) — 1 йил, 1 ойга — 15 минг сўм. Ўқини поликлиникада, тезкор — 3 ой.

— Фармацевтика (компьютер, интернет б-н) — 1 йил, 1 ойга — 15 минг сўм. (Ўқини дорихонада), тезкор — 3 ой.

— Кийимларни тикиш-бичиш, моделлаштириш ва элита пардалар — 4 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 2 ой.

— Астарли устки кийимлар тикиш — 3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм (яққа тартибда), тезкор — 1 ой.  
— Туй ва оқшом куйлақларини тикиш — 2 ой, 1 ойга 30 минг сўм (яққа тартибда), тезкор — 1 ой.

— Газламалардан гуллар ясаш — 2 ой, 1 ойга — 15 минг сўм (яққа тартибда), тезкор — 10 кун.  
— Қўлда кийим-буюмлар тўқувчи (олий курси б-н) — 3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм (яққа тартибда), тезкор — 1 ой.

— Бисер усулида кашатиқ-безакчи — (олий курси б-н) 2 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 1 ой.  
— Бисер асосида дизайн — (яққа тартибда) — 2 ой, 1 — ойга 20 минг сўм.

— Машинада ва қўлда кашта тикиш (вишивка) — муддати 3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм (яққа тартибда).

— Юмшок ўйинчоқлар ясаш — 2 ой, 1 — ойга 15 минг сўм  
— Уйғур, миллий ва европа таомлари (50 дан ортиқ овқатлар) — 3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 1 ой.

— Пазандлик — (пишириқлар, тортлар, салатлар, овқатлар...) 3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 1 ой ва 1,5 ой.  
Тортларни олий даражада безатиш санъати — 2 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.

— Заргарлик — 6 ой, 1 ойга 35 минг сўм. Яққа тартибда заргар ўргатади, тезкор — 3 ой.  
Дарслар фақат яққа тартибда ёки кичик гуруҳларда ҳужжат топшириганингизданок бошланади.

Стандарт ўқув дастурлари ва қўлланмалари ёрдамида тушунарли усулларда чин дилдан «устоз-шогирдлик» асосида қатъий тартиб муҳитида мутахассислар томонидан ўргатилади. Бир маззани ўлаштиришдан кейингисига ўтилмайди. Натижада амалиётда бемалол ишлаб кета оласиз!

## Табриклаймиз!

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Қорақалпоқ филиали Шуманой почта алоқаси тармоғи жамоаси «Кетенлер» алоқа бўлими бошлиғи Туркменбай КАЛЕКЕ-ЕВНИ муборак 60 ёшга тўлиши муносабати чин дилдан табриклайди. Унга мустақкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, фарзандлари камолини кўриб юришини тилайди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Сурхондарё филиали жамоаси филиал директорининг биринчи ўринбосари Сафар ЭГАМУРО-ДОВНИ кутлуг 50 ёши билан муборакбод этади. Унга мустақкам соғлиқ, оилавий бахт тилайди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Сурхондарё вилояти худудий бошқармаси жамоаси бошқарма раҳбари ўринбосари Рустам ИБРОҲИМОВ ҳамда етакчи мутахассис Абдиқолиқ САФАРОВларни туғилган кунлари билан табриклаб, эл-юрт манфаати йўлидаги меҳнатларига муваффақиятлар тилайди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Қашқадарё филиали жамоаси Нишон почта алоқаси тармоғи иқтисодчиси Назира ҲАЙИТОВАНИ таваллуд толган кунни билан муборакбод этади. Унга мустақкам соғлиқ, омонлик, хонадонига файзу барақа, ишларида ривож тилайди.

#### ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети тасарруфидоғи Телекоммуникациялар лицей-интернат томонидан Дилмурод Сабираҳнович ЮСУ-ПОВВа берилган О'Р-Ш 0763987-сонли шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

30 йилдан ортиқ касб-хунар!!!

Лицензия № ASUZ 00192200TT0002-05

NISHONDORLARIMIZ

Татьяна Григорьевна билан бундан анча йиллар олдин ҳам мулоқотда бўлган эдим. Татьяна опа ўшанда — аниқроғи 1974 йилнинг бошларида вилоят алоқа-ишлаб чиқариш бошқармасининг Бухоро туманидаги линия-техника цехида эндигина иш бошлаган, ёш бўлишига қарамай, қисқа вақт ичида яхшигина иш тажрибасига ҳам эга бўлиб қолган эди.



# Эътироф

— Дастлабки фаолиятимни эсласам, — дейди суҳбатдошим, — кўз ўнгимда энг аввало ҳозирги пайтда нафақада бўлган Саид ака Аҳмедов гавдаланади. У кишини биринчи устозим сифатида ҳамisha фахр билан тилга оламан. Линия-техника цехининг ўша пайтдаги бошлиғи Истам Шарипов ҳамда унинг ўринбосари, ҳозир “Бухоро Телеком” филиалига раҳбарлик қилаётган Шариф ака Худойбердиевдан ҳам бир умрга миннатдорман.

Ҳа, Татьяна Кривенко ҳақ гапни айтиди. Зотан, илк устозларнинг ўнгитлари-ю, аниқ маслаҳат ва йўл-йўриқлари ҳар қандай шогирд учун асосий дастуриламал, самарали ва кўп йиллик изчил фаолиятнинг бош мезони ҳисобланади. Чоғроққина бир ишлаб чиқариш цехида шогирд сифатида меҳнат фаолиятини бошлаган Т.Кривенко ўтган давр ичида ўз ишининг ҳақиқий билимдонни, етук мутахассис сифатида шаклланиб, айна пайтда NEAX-61E станциясига сифатли хизмат кўрсатмоқда. Ишчан бу аёлнинг ҳам, у билан ёнма-ён ишлаб келатган Мақсад Асилова, Гулехора Муродова, Дилафрўз Умарова сингари АТС электромонтёрларининг ҳам мақсади битта — кишлоқ телефон станциялари ускуна ва линияларининг бенуқсон ишлашини таъминлаш, уларнинг ишини назорат қилиш.

Туман телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Тўлқин Ҳамидов билан суҳбатдан шу нарса маълум бўлдики, айна пайтда бу ҳудудда етти та рақамли АТС мавжуд бўлиб, улар Лоша, Куңжақалъа, Юринбол, Шергирон, Работи ҳамқок, Работак қишлоқлари ҳамда собиқ “Янги турмуш” ширкат хўжалиғи ҳудудида ишлаётган экан. Тумандаги қолган етти та аналогик станцияни ҳам 2010 йилгача тўлиқ рақамли тизимга ўтказиш режалаштирилган.

Истиқболли режалар Татьяна Кривенко ва унинг ҳамкасбларини бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан самаралироқ ишлаганиндамқода. Бу эса туман телекоммуникациялар боғламасининг корхона, ташкилот-

лар ҳамда аҳолига кўрсатилаётган алоқа хизмати сифати ва ҳажмига ижобий таъсир қилмоқда. Пировард натижаларининг кўнгилдагидек бўлишида Т.Кривенко ва у билан бир жамоада ишлаётган алоқачиларнинг салмоқли ҳиссаси бор.

Жорий йилнинг ўтган 8 ойида туман бўйича жами 200 миллион сўмга яқин алоқа хизмати кўрсатирилган. Бу — ўтган 2006 йилнинг шу даврига нисбатан анча кўлдири. Бугунги кунга келиб, туман маркази — Галаосиёе шаҳридаги жами 2686 та хонадондан 2246 тасининг телефонлаштирилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, кишиларимизнинг алоқа хизматида бўлган эҳтиёжи кун сайин ошиб бораётганини аниқ ҳис этамиз. Т.Кривенко ва унинг шогирдлари ана шу талаб-эҳтиёжни қондириш мақсадида олиб борилаётган катта саъй-ҳаракатларнинг олдинги сафида эканликлари билан чиндан-да фахрланадилар.

Барча алоқа корхоналарида бўлганидек, туман телекоммуникациялар боғламасида ҳам ҳар йилги касб байрами ва култур саналар алоҳида кўтаринчи руҳда нишонланади. Меҳнат фахрийлари ва соҳа ходимларига совға-саломлар улашिलाди, улар моддий ва маънавий рағбатлантирилади. Ана шундай дилкаш давраларда устоз-шогирдларнинг ширин суҳбатлари анчагина давом этади. Бу йилги Алоқачилар кўни арафасида ҳам шундай бўлди. Татьяна Кривенко барча ҳамкасблари қатори анчадан бери кўришмагани — кекса алоқачи Любов Габдурахманова билан дилдан суҳ-

батлашди. Бирга ишлаган йилларини, ёшлик даврларини эслади. Нафақат Любов опа, балки Александра Чупринина, Люция Ҳафизова сингари онахонлар ҳам телефон орқали бўлса-да, Татьянанинг доимий суҳбатдошларидир. Турли ёшдаги ҳамкасблар қаерда бўлишларидан қатъи назар, ҳамisha бир-бирларини йўқлаб турдилар. Мустақиллигимизнинг муборак 16 йиллик шодиёнаси арафаси ва ундан кейинги кўнлар ҳам юртимиздаги барча хонадонларда бўлганидек, Итолмас ака ва Татьяна опа оиласида ҳар қачонгидан ҳам кўвончи кечди. Алоқа соҳасидаги кўп йиллик хизматлари учун бир гуруҳ ходимлар қатори Татьяна Кривенко-нинг ҳам Президентимиз Фармонига мувофиқ “Дўстлик” ордени билан тақдирланганлиги ҳақидаги хушxabар туман телекоммуникациялар боғламаси меҳнат жамоаси аъзолари кўвончига кўвонч қўшди.

Уша кўниёқ Галаосиёе шаҳрининг Ҳамза кўчасидаги 17-уй таниш-билишлар, ҳамкасблар, кўни-кўшилларга тўлиб кетди. Беш нафар фарзанд аҳил-иноқ ва одобли бўлиб воғга етган бу хонадон фазига фазл қўшилди. Алоқа соҳаси оддий бир ходими меҳнатининг Юртбошимиз томонидан муносиб эътироф этилганлиги, “Бухоро Телеком” филиали эса Татьяна Кривенкога қимматбахо совға топширганлиги — ана шу ишчан аёл сингари юзлаб ва минглаб юртдошларимиз меҳнати тобора қадрланиб, эъзозлаётганлиги исботидир.

Асқар ИСТАМОВ,  
“Хабар”нинг Бухоро  
вилоятдаги муҳбири

## Хабарчиликдан раҳбарликкача

Маҳамматвали ака Орзиев Хўжаобод туманидаги “Шарқ юлдузи” жамоа хўжалиғида, оддий оилада туғилиб ўсган. Ўрта мактабни тамомлаб тракторчиликка ўқиди. Ҳарбий хизматни Полшада ўтади, қисмда хабарчи бўлиб ишлади. 1975 йилда хизматни тамомлаб, “Шарқ юлдузи” почта алоқаси тармоғига ишга келди.

Ана шундан бери ўтган ва ўтаётган ҳар бир кўни одамлар ҳаёти билан боғлиқ.

Ҳар қайси вақтда ҳам одамлар билан ишлаш осон эмас. У бугун нафақангизни олиб бориб бераман, десаю, олиб боролмас... Йўл қараганлар не хаёлларга бермайди?! Балки гапига ишониб, бирон ишни мақсад қилиб қўйгандир?! Агар касалманд бўлса, дори-дармон керакдир...



Маҳамматвали ака ҳамisha ўз ишида бировни ана шу кўйга солиб қўймаслик пайдида бўлган. Ҳозир ўзи раҳбарлик қилаётган жамоага айтидиган гапи ҳам айнан шундай: “Одамларни зориқтирман!”

Шунинг учундир оддий хабарчиликдан Булоқбоши тумани почта алоқаси тармоғининг бошлиғи даражасига етишди. Бу вазифада ўн олти йилдан буён хизмат қилиб келяпти. Булоқбоши тумани аҳолиси юз мингдан зиёд. Шундан 12 мингга яқини пенсионер. Худуддаги ташкилот ва хонадонларга ҳар кўни неча юзлаб газета-журналлар, хат-xabарлар тарқатилади. 2006 йилда булоқбошилик алоқачилар вилоят миқёсида иккинчи ўринда газета ва журналларга обуна тўлашга эришди.

Жамоада тарқоқлик йўқ. Маҳамматвали ака Абдуҳошим Абдурахмонов, Абдулла Ураимов, Гулнора Болтабоева, Хадича Йўлдошевлар билан ўттиз йилдан бери бирга ишлайди. Ҳамкасбларидан уч нафарини ўзи бош бўлиб, иззат-икром билан нафақага узатди. Ундан иш ўрганганлар Хўжаобод туманида бир талай. “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Андижон филиали директори ўринбосари Камолидин Камбардинов ҳам шогирдларидан бири.

Халқимизда “Кўпни кўрган яхшими, кўпга кирган яхшими?” деган нақл бор. Маҳамматвали ака бунга жавобан: — Кўпни кўрган ҳам яхши, кўпга кирган ҳам яхши, — дейди. — Мен касбим тўғайли ҳар иккисининг таъминини тотдим. Бу таъм мени ҳаётда қўйиб, ёниб яшашга чорлайди.

Тўхтаҳон ДАВРОНОВА,  
журналист

### Ўзглар ҳазинасидан

**ҲАР БИР СЎЗИМИЗ, ҲАР БИР ИШИМИЗ, ҲАР БИР ДАҚИҚАМИЗ, ҲАР БИР КУНИМИЗ БИЛАН, БИР ЯХШИЛИК БИЛАН, БИР ХАЙР БИЛАН, БИР ГЎЗАЛЛИК БИЛАН, БИР ФОЙДАМИЗ БИЛАН ЯХШИЛИК ХОДИМИ БЎЛМОҒИМИЗ КЕРАК!**

Маҳмуд Асқад ЖЎШОН

## ТО‘УХАТ Меҳнатга бахшида умр

**Абдували Раҳматовнинг болалиғи асосан Иштихон тумани марказига яқин Сафоҳўжа қишлоғида ўтди. Уша ердаги Ҳамид Олимжон номидаги мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, Тошкент шаҳрига йўл олди. Ёшлигидан қурилиш соҳасига бўлган қизиқиш уни Тошкент политехника институтининг архитектура факультетида бошлади ва талабалик бахтига эришди.**

1973 йилнинг ёзида ёш Абдували ишни Иштихон тумани жамоахўжаликлараро қурилиш бошқармасида бўлим бошлиғи вазифасида бошлади. Орадан икки йил ўтиб шу

ташкилот бош муҳандиси, бир йилдан сўнг эса бошлиқ вазифасига тайинланди.

1979 йили А.Раҳматов “Ўзбекивэзстрой-2” қурилиш трестига раҳ-

барлик қила бошлади. Шундан сўнг унинг ҳаёти алоқа соҳаси билан чамбарчас боғланиб кетди. Уша йиллари Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси алоқа МККларининг барчаси шу трестга қарашли эди.

Абдували ака бошчилиғида Қорақалпоғистон Республикасининг деярли барча туманлари, Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги, Сирдарё вилоятининг “Наврўз” кўрғонидаги алоқа уйлари барпо этилди. У Қорақалпоғистон Республикасининг Кўнғирот ҳамда Сирдарё вилоятининг Гулистон туманларидаги радиотелевизион сигналларини узатиш миноралари қурилишида ҳам меҳнати синганидан фахрланади.

“Ўзбекивэзстрой-2” қурилиш трести тарқалганидан сўнг А.Раҳматов

8-алоқа автокорхонаси директори вазифасида ишлади. Корхонанинг асосий вазифаси вилоят бўйича барча телекоммуникация ва почта корхоналарини доимий равишда автотранспорт билан таъминлашдан иборат эди. Бу вазифани ҳам, бундан кейин ишлаган вилоят Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи сифатида ва бошқа вазифаларда ҳам у ўз раҳбарлик қобилиятини кўрсатди. Бугунги кунда Абдували ака Иштихон тумани почта алоқаси тармоғида бошлиқ ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

Абдували ака қайси иш ва лавозимларда ишлаганини, ўзининг ишбилармонлиғи, тажрибали раҳбар эканлигини аққол намоий эта олди.

Бугунги кунда 60 ёши қаршилаётган Абдували Раҳматовга асло ҳориманг, деймиз.

Абдуғафур ҲОТАМОВ

## ● TURMUSH SABOQLARI

Хизмат сафари билан тез-тез туманларга чиқиб туришимга тўғри келади. Бугун яна йўлданман. Ёнимда ўтирган йигит тушиб кетиб, ўрнига 50-55 ёшлар атрофидаги, оқ-саридан келган аёл келиб ўтирди. Самимий саломидан, кўзларининг кулиб туришидан сўзамоллиги билиниб турарди. Манзилмга зерикмасдан етиб оладиган бўлдим-да, дея хурсанд бўлдим ичимда. Автобус кейинги бекатда тўхтаб, йўловчилар бўш ўриндиқларни тўлдирди. Энг охирида чиққан, бошдан-оёқ қора кийимга ўралган, ҳатто кўлларига ҳам қора кўлқоп кийиб олган аёл ёнида қизчаси билан оғир сумкаларини кўтариб биз томон сурила бошлади. Олдимизда ўтирган ёшлар туриб жой беришган, аёл қизчаси билан жойлашиб олди ва ойнага қарагачна хаёлга берилди.

Уни кўрган ёнимдаги аёлнинг нимагадир ранги оқариб, хуш кайфиятидан асар ҳам қолмади. — Илоё, юзгинанг қурсин, — қаргай бошлади у. — Бу азоблар ҳам кам сенга. Ҳали бу кунингдан баттар бўласан.

— Уни танийсизми, — дедим хайратомуз қарарканман асаби бирдан бузилганига ажабланиб. — Ён кўшимнинг қизи бу яшшамагур, — деди аёл товушини пасайтириб. — Кейинги бекатда тушади, сўнг сизга айтиб бераман бу аёл воқеасини.

Қора либосдаги аёл тушиб кетгач, ҳамроҳим ҳикоясини бошлади.

Кўшимиз Жамила опа маҳалланинг олди қизларидан бири эди. Қалдирғоч қанотидай қора қошлари-ю, серкиприк шаҳло кўзлари, орқасини тўлдириб турадиган кўнгр соллари ҳар қандай одамнинг ҳавасини келтирарди. Биз ёш қизлар Жамила опага ўхшашга ҳаракат қилардик. Кўп ўтмай Жамила

опа ён кўшимизга келин бўлиб тушди. Менинг хурсандчилигим дунёни тўлдирди, гўё. Ёш келинчак вақтли туриб, нафақат ўзининг, балки кўшиллар дарвозалари олдини ҳам супуриб, сув селиб кўярди. Эри Холмурод дўконда сотувчи бўлиб ишларди. Аввалига яхшилик билан бошланган турмушларига кўп ўтмай дарз тушди. Холму-

— Чидасанг шу, бўлмаса катта кўча! — Холмурод ака шундай дея машинаси эшигини ёнди ва гизиллатиб ҳайдаб кетди.

Шу тариқа оила аста-секин нурай бошлади. Аҳвол шу даражага етдики, Холмурод ака ўзига тегишли нарсаларини олиб ўйдан чиқиб кетди. Энг ёмони, болалар ҳам ота билан кетишга қарор қилишди. Уларни онаси эмас, отасининг дўконидан келиб турадиган жараҳ-жараҳ пули қизиктирар эди. Улар отаси каби

# ДУОМБАД

род ака бирга ишлайдиган сотувчи қизлардан бирига уйланиб олибди, деган гап тарқалди маҳаллада. Дадамнинг эса ойимга, эсиз қиз, Холмуродга тегиб увол бўлди-я, ўзи айтишадигу, қовунинг яхшисини ит ейди деб, деганларини эшитиб қолдим. Жамила опа эса гўё ҳеч гап бўлмагандай шўх-шодон юрарди. Орада кетма-кет фарзандлар туғилди. Бир кун эр-талаб Жамила опанинг изиллаб йиғлагани эшитилди.

— Одам шунчалик ҳам ноинсоф бўладими, — зорларан эди у. — Ҳаммасига чидайверар экан, деб ҳаддингиздан ошдингиз. Кўчада нима ишлар қилиб юрганнингиз маъли. Энди уйга ҳам олиб келдингизми... Наҳотки, болаларининг, ўзимнинг хурматим бўлмаса!

кайф-сафони, маишатни яхши кўришарди.

Ҳайҳотдай уйда ёлғиз қолган Жамила опага айниқса фарзандларининг ташлаб кетишгани қаттиқ таъсир қилди шекилли, кўп ўтмай одамови бўлиб қолди. Опа ҳеч кимга қўшилмас, ўйдан кўчага чикмас, хабар олгани кирган кўшиллар билан ҳам яхши гаплашмас эди. Укаси билан келини бир неча марта келиб, ота уйига олиб кетишга ҳаракат қилишди, лекин Жамила опа унамади. Шундан сўнг улар ҳар ҳафтада келиб, озик-овқат ташлаб кетишга одатланмишди. Биз, кўшиллар ҳам қараб турмасдик, қандай овқат пиширсак, илинардик. Болалар ҳам, Холмурод ака ҳам бу ҳовлига қадам босишмасди. Жамила опа

юрган йўлида фарзандлари истмини айтиб, гўё улар билан гаплашарди. Баъзан кўчага чиқиб уларни чақирарди ҳам. Биз опанинг ўй-хаёлларига ҳалақит бермасликка қарор қилган эдик.

Шундай кунларнинг бирда Жамила опанинг дод солиб йиғлагани эшитилди. Аввалига ўзича йиғлаётгандир деб эътибор бермадик. Лекин опанинг дод-войи авжига чиқа бошлади.

— Вой, қулогим, — дея бақирар эди у. — Ўзингда шунча тилла бўла туриб, онамдан қолган зиракка кунинг қолдимни, аҳмоқ, Ойда бир марта келиб хабар олишга ярамайсан, унамасдан зиракка келдингми, йўқол ярамас. Тегма, тегма деяпман...

Онам билан дарвозадан кирсак, бояги аёл, унда ёш эди, онаси тепасида турар, қўлида битта зирак, иккинчисини беришини талаб қиларди. Йиртилган қулогидан қон сизаётган Жамила опа зорлиниб йиғларди. Бизни кўриб, қиз сумкачасига бир дона зиракни солиб, отилиб дарвозадан чиқиб кетди. Она эса қаргаганча қолди. Жамила опа ҳозир анча қариб қолган. Ҳамон кўшиллар қараб туришибди. Эшитишимга қараганда, жиянларидан бири аммаси билан тил топишган шекилли, бирга яшаб, ўзи қараяпти экан.

Ўша воқеадан кўп ўтмасдан қизнинг бутун бадани оқариб кетди. Шунинг учун қора либосга бурканганча қўлига кўлқоп кийиб юради. Мана кўрдингизми, оқ сут бериб катта қилган она қарғиши нима-ларга қодирлигини?!

Иккимиз ҳам оғир хўрсиниб, анчагача жим кетдик. Мен эса бошқаларга сабоқ бўлар деган ниятда Жамила опа воқеасини қозғога туширдим.

Гулчехра ЗОЙИТБОВА  
Анджон вилояти

## АЛОҚАЧИ ЛУФАТИ

● Шлюз (ru – шлюз, en – gateway) – 1. Ташқи ёки бошқа тармоқли алоқа станцияси.

Изоҳ – Бир-бирига қарама-қарши тармоқларнинг алоқасини, шунингдек, бир тармоқ доирасида бир-бирига зид бўлган иловаларнинг ўзаро таъсирини таъминлаши мумкин.

2. Компютер тармоқларини турли архитектуралар билан бирлаштирувчи функционал қурилма ёки дастур.

Изоҳ – Турли тизимлар ўртасида маълумотларни узатиш учун фойдаланилиши мумкин.

● Икки уйли шлюз (ru – шлюз двудомный, en – dual-homed gateway) – Брандмауэр дастурий таъминоти ишлайдиган ва иккита тармоқ интерфейс платаларига эга бўлган компютер, бири икки тармоққа уланган, иккинчиси ташқи тармоққа уланган.

Изоҳ – Шлюз ахборотни бир тармоқдан бошқасига, улар ўртасидаги бевосита ўзаро ҳаракатни истисно қилган ҳолда узатади. Сеанс-ли ва амалий даражадаги шлюзлар икки уйли шлюзларга тааллуқли бўлади.

● Интранет, Интра тармоқ, корпоратив тармоқ (ru – Интранет, Интрасеть, корпоративная сеть, en – Intranet) – Стандартлар, технологиялар ва интернетнинг дастурий таъминотидан фойдаланувчи корхона ёки ташкилотнинг маҳаллий ҳисоблаш тармоғи.

Изоҳ – Интранет одатда брандмауэр орқали интернет билан боғланган бўлиб, уни рухсат этилмаган фойдалана олишдан ҳимоя этади.

## ● FOYDALI MASLAHATLAR

\* Мўйнали кийимлар салқин жойларда сақлангани маъқул. Улар ёруғлик таъсирида, айниқса, офтобда рангини йўқотади. Ҳўл мўйналарни иситиш мосламалари ёнида қуритиш мумкин эмас. Ҳамма мўйна кийимлар қоронғу жойларда осилган ҳолда сақланиши зарур.

\* Кийимларни қуя эмаслиги учун уларни кирсовун билан ювилган, лекин сиқмай қуритилган матоларга ўраб қўйинг.

\* Чойшаб ва либосларингизни крахмаллаганда, бир стакан сут қўшиб юборсангиз, дазмоллаганингизда дазмол либосларга ёпишиб қолмайди.

\* Дераза ойнасини майдаланган бўр ёки ярим стакан сувга икки сиқим тиш кукунни солиб артсангиз, ялтирайдиган бўлади.

\* Уй, дахлиз, ошхонадаги плитуслар ёнига (деворнинг туташган жойларига) қуритилган мойчечак сепиб қўйилса, барча зараркунандалар йўқолиб кетади.

\* Занг доғларини кетказиш учун лимон кислотаси (1 стакан сувга 1 чойқошқик ҳисобидан) қўшилган сув қайнагунча қиздирилади. Доғли газлама ана шу сувга бир неча марта ботириб олинганда ёки доғ шу сувда ҳўлланган латта билан артилиб, сувда яхшилаб чайилади.

\* «Ангорка»-ли кийимингизни сувга шампун ва озроқ глицерин солиб енгилгина ювинг.

## ● SALOMATLIK

### ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

Кўпинча бирор касалликни юқтириб олиб, кейин уни қаердан илаштирганганимизни билолмай юрамиз...

Шамоллаб қолганимизда ким, қачон, қаерда бизга қараб акса ургани, мабодо қорнимиз оғриси, қандай сифатсиз таом еганимиз ҳақида бош қотира бошлаймиз, бироқ бунга ҳамма вақт ҳам жавоб топилавермайди. Юқумли касалликлар қаерда кўпроқ бўлиши хаёлимизга ҳам келмайди. Масалан, А гепатити ва диареяни энг нуфузли фитнес марказида ҳам юқтириб олиш мумкин.

Маълум бўлишича, барча муаммо қўлимизда экан. Сабаби, 85 фоиз инфекция қўл орқали юқади. Ювилмаган қўлимиз билан бошқа аъзоларни қашиймиз. Вирусларни юқтириш кўпинча шиллик пардалар (оғиз, кўз, бурун) орқали амалга ошади.

Статистик маълумотларга қараганда, ҳар иккинчи одам овқатланишдан олдин қўлларини ювмайди. Ҳар учинчи фуқаро эса кўчадан келгач, ювинмайди. Кўпчилик бундай микробларга жамоат ҳожатхоналарида, транспортда дуч келишини ўйлаб ҳам кўрмайди. Бу рўйхатга, ҳатто, бозордаги аравачаларни ҳам қўшиш мумкин!

Кўпчилик ўз иш жойида юқумли микроблар бўлиши ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас. Аслида микроорганизмлар энг кўп учрайдиган жой идора



столидир. Бундай стол устида кўпгина чиройил буюмлар туради. Уларда эса бактерия, вирус ва замбуруғлар бўлиши хаёлимизга ҳам келмайди. Масалан, грипп вируслари, ҳатто, компютер клавиатураси орасида ҳам уч кунгача яшаши мумкин экан.

Микробиологларнинг тавсия қилишича, интернет-кафеда бўлгач, жамоат транспортда юргач қўлни иссиқ сувда совунлаб ювиш керак. Шундай йўл билан кўпгина хавфли юқумли касалликларнинг олдини олган бўласиз. Айримлар бунда махсус воситалар шимдирилган гигиеник сапфеткалардан фойдаланишади.


## FUTBOL

### ИНИЛЕЕВ ТАРКИБНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Рауф Инилеев ЖЧ-2010 саралаш баҳслари доирасида Хитой Тайпейи термасига қарши кечадиган учрашув олдидан ўқув-йиғин машгулотларида қатнашадиган 22 футболчининг номини эълон қилди.

**Дарвозабонлар:** Игнатий Нестеров («Пахтакор»), Темур Жўраев («Пахтакор»).

**Ҳимоятчилар:** Асрор Алиқулов («Пахтакор»), Ислон Иномов («Пахтакор»), Хайрулло Каримов («Машъал»), Анвар Ғофуров («Машъал»), Виктор Клишин («Машъал»), Бахтиёр Ашурматов («Курувчи»), Виктор Карпенко («Курувчи»), Владимир Радкевич («Урал», Россия), Илҳом Сулонов («Пахтакор»), Одил Аҳмедов («Пахтакор»), Сервер Желаров («Пахтакор»), Алексей Николаев («Ақтобе», Қозғистон), Виталий Денисов («Днепр», Украина), Азиз Ибрагимов («Слован», Словакия), Шавкат Саломов («Курувчи»), Анвар Ражабов («Бухоро»), Павел Соломин («Сатурн», Россия), Максим Шацких («Динамо», Украина), Улуғбек Бақоев («Тобол», Қозғистон).



© 2007 Asian Football Confederation

## TENNIS

### «TOSHKENT OPEN»: БИРИНЧИ БОСҚИЧ ЯҚУНЛАНДИ

**Ташкент теннис марказида Хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) таснифига киритилган «Toshkent Open» халқаро теннис турнири ўтказилмоқда.**

Турнирда биринчи босқич беллашувлари яқунлашиб, уларда ғолиб чиққан теннисчилар бош соврин учун курашни давом эттирмоқда, дея хабар беради УэА.

Ундан зиёд мамлакатдан келган теннисчилар иштирок этаётган ушбу нуфузли мусобақда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган вакилларимиздан Влада Экишбарова дастлабки учрашувда турнирнинг бешинчи рақамли ракеткачиси Алла Кудрявцевага (Россия) рўбарў келди. Кучли рақибасига нисбатан аниқ ва тезкор ўйин кўрсатган ҳамюртимиз 6:2, 6:3 ҳисобида зафар қўчиб, иккинчи босқичга йўлланма олди.

«Toshkent Open» турнирининг энг кучли ўйинчиси сифатида биринчи рақамда сараланган беларуслик Виктория Азаренко ҳам мусобақани ғалаба билан бошлади. У биринчи учрашувда Хитой Тайпейидан келган Су Вей Хсиехга қарши қорғат қўчиб, рақибасини 6:3, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Биринчи босқичнинг яна бир алоҳида эътиборга молик натижаси иккинчи рақамли ракетка устаси Доминика Симбулкова (Чехия) ҳамда франциялик Паулина Парментер ўртасидаги баҳсда қайд этилди. Бу йилги мусобақа ғолиблигига асосий даъвогарлардан ҳисобланган чехиялик теннисчи қутлимгадан ютқазиб қўйди. Ғалабага бўлган иштиёқини намойиш қилган Паулина Парментер кучли рақибасини 6:2, 6:2 ҳисобида енгди.

Колган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Анастасия Якимова (Беларус) - Анастасия Родионова (Россия) 6:3, 6:0, Шуай Жанг (Хитой) - Евгения Родина (Россия) 3:6, 6:7, Елена Веснина (Россия) - Алберта Брианти (Италия) 6:3, 6:4, Татьяна Пучек (Беларус) - Матилда Йоханссон (Франция) 6:0, 6:2, Рената Воракова (Чехия) - Олга Говорсова (Беларус) 3:6, 3:6.

«Toshkent Open» халқаро турнирининг жуфтликлар ўртасидаги беллашувлари ҳам қизгин давом этмоқда. Яққалиқлар баҳсида биринчи босқичдан муваффақиятли ўтган ҳамюртимиз Окгул Омонмуродова жуфтликлар беллашувида Буюк Британиядан келган Кати О'Брайан билан ҳамкорликда россиялик Весна Манасиева ҳамда люксембурглик Ане Кремердан таркиб топган дуэтни мағлубиятга учратди.

Еш теннисчиларимиз — Дилёра Саиджўяева ҳамда Албина Хабидулина жуфтлиги эса Беларусдан келган Екатерина Дзехалевич ва Анастасия Якимовага 2:6, 2:6 ҳисобида имкониятни бой берди.

#### Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

«Қорақалпоқ Телеком» филиали Хўжайли телекоммуникациялар боғламаси жамоаси оператор Мийуа Ержановага онаси

#### ПАЛШИН АЯНИНГ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

## BOXS

### МУҲИМ ЖАНГЛАР

**Ўтган дам олиш кунлари жаҳон бокс ареналарида бир қатор муҳим жанглар ўтказилди.**

Германиянинг Олденбург шаҳрида собик жаҳон чемпиони Николай Валуев канадалик Жан-Франсуа Бергеронга қарши рингга кўтарилди.

Валуевнинг бу жанги ҳамюртимиз Руслан Чагаевга мағлубиятга учраганидан сўнг ўтказган илк баҳсидир. Бутун жанг ўртача суръатда ўтди ва рус гиганти бир оз устунликка эга бўлди. Охириги раундларда Валуев рақибини нокаутга учратиш учун ҳаракат қилди, лекин кучли аниқ зарбалар беришининг уддасидан чиқа олмади. Жанг яқунлангандан сўнг ҳакамлар 118-111, 117-111 ва 117-111 ҳисобида Валуев ғалабасини қайд этишди.

Қўлчилик бокс муҳлисларининг эътиборини жалб қилган яна бир жанглардан бири АҚШда ўтказилди. Унда ўрта вазнда WBC ва WBO камарлари соҳиби Жерман Тейлор ва даъвогар Келли Павлик баҳс олиб борди. Боксчилар биринчи раундларданок шиддатли ҳужумлар уюштиришга ҳаракат қилишди. Иккинчи раундда Павлик нокаутга учради, лекин тезда ўзига келиб жангни ўз томонига оғдириб олди. Шу вақтгача бирор маротаба мағлубиятга учрамаган Павлик еттинчи раундга келиб тўлиқ устунликка эришди. Унинг зарбаларига амалдаги чемпион жавоб қайтара олмай қолди ва жанг тўхтатилди. Шундай қилиб, Келли Павлик WBC ва WBO йўналишларининг янги чемпиони га айланди.

Келаётган дам олиш кунлари ҳам бизни қизиқарли баҳслар кутиб турибди. Улар ичида энг марказий жанг, шубҳасиз, мексикалик Марк Антонио Баррера ва филиппинлик Мэнни Пақяо ўртасида кечади. 6



октябр куни ташкил этиладиган ушбу баҳс реванш жанги ҳисобланади. Аввалги учрашувда филиппинлик боксчининг қўли банд келган.

# Xabar

## МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КЎЧИМОВ

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Бахтиёр КУБЕЕВ  
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ  
Миродил САНГИЛОВ  
Шухрат СОДИҚОВ  
Лутфилло ТУРСУНОВ  
(масъул котиб)  
Асаджон ХЎЖАЕВ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета  
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

## МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Ташкент-60,  
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.  
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.  
Факс: 136-36-42.  
E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлангани мумкин.

Наширимиздан кўчириб босилганда «Хабар» дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

**Тижорий материал —** 1  
Реклама матларининг тўғрилик-лига таҳририят жавобгар эмас.

**Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.**

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди.  
Манзил: Ташкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

953-G сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.  
Алали: 7077 нуска.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.  
Матн терувчи: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:  
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилган вақти — 20.00.

# Xabar —

## ЭНГ ЯҚИН ҲАМКОРИНГИЗ!

OBUNA — 2008



Унга обуна бўлишни унутмадингизми?  
Хафтанинг ҳар жума куни, 16 саҳифада,  
тўлиқ теледастурлар билан  
хонадонингизда Сиз билан дийдорлашади.



АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ОЛАМИДАГИ ЭНГ СЎНГИ ЯНГИЛИКЛАР!

- ҲАМКАСБЛАР ҲАЁТИ
- ЖАҲОН ПОЧТАСИ
- ВИЛОЯТЛАРДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
- АЛОҚА КОРХОНАЛАРИДА
- МОБИЛ ОЛАМИДАГИ КАШФИЁТЛАР
- ЮРТИМИЗ АЛОҚА ХИЗМАТИ ТАРИХИ
- МАМЛАКАТИМИЗ ҲАЁТИ ВА ЖАҲОНДА
- РЎЙ БЕРАЁТТАН ВОҚЕАЛАР
- ДЕТЕКТИВ-САРГУЗАШТ АСАРЛАР
- МАШҲУРЛАР ҲАЁТИ
- ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА
- СПОРТ ОЛАМИ
- ҚИЗИҚАРЛИ ҲИКОЯЛАР
- ИЧАКУЗДИ ҲАНГОМАЛАР, ЛАТИФАЛАР
- ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР
- КРОССВОРД ВА СКАНВОРДЛАР
- БУЛАРНИНГ БАРЧАСИ ЙИЛ ДАВОМИДА
- «ХАВАР» САҲИФАЛАРИДА БЕРИБ БОРИЛАДИ.

Газета «Xabar» издаётся с 1992 года. В каждом номере она имеет страницы с материалами на русском языке. Они публикуются под постоянными рубриками: «Новости в сфере ИКТ», «ZIVONET-АНОНС», «Мобильная связь», «В мире компьютеров», «Интернет-дайджест», «Высокие технологии», «Награжденные Родиной» и другими.

Ушбу сонда:  
«Мисал» ШУНИНГДЕК, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР  
ЭНГ АРЗОН НАРХЛАРДА РЕКЛАМА, ЭЪЛОН ВА  
ТАБРИК-КУТЛОВЛАРИНИ ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИГА  
ЖОЙЛАШТИРИШЛАРИ МУМКИН.

«Info» СИЗ УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ КОМПЮТЕР, ИНТЕР-  
НЕТ ЁКИ ЭЛЕКТРОН ПОЧТАДАН ФОЙДАЛАНИШНИ  
ЎРГАНМОҚЧИМИСИЗ?  
УНДА МАРҲАМАТ, ГАЗЕТАМИЗГА ОБУНА БЎЛИНГ  
ВА ЙИЛ БЎЙИ КОМПЮТЕР МАШҲУЛОТЛАРИДАН  
БАХРАМАНД БЎЛИНГ!

# Xabar — ҳаммабоп газета!

Нашр кўрсаткичи — 228.